

ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

*Президент Ислам Каримовнинг Наврӯз байрамига
бағишланган тантанали маросимдаги сўзи*

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, боғу роғлар, дашту далалар яшил либосга бурканиб, баҳор нафаси, кўёшнинг тафти тобора кучайиб бораётган шу ёруғ кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган Наврӯзи олам билан чин қалбимдан муборақбод этишдан бахтиёрман.

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлиши Наврӯз айёми ўзининг маъно-маъмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нега деганда, Наврӯз табиат очилиши, уйғониш ва янгиланиш фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, биз учун асл миллий, зоят ардоқли ва эъозли байрамдир.

Наврӯз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашга даъват этадиган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Айни Наврӯз фаслида барчамиз ўзимизнинг табиат фарзанди эканимизни, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканини бутун қалбимиз билан англаймиз ва беихтиёр юрагимиз зурур ва ифтихорга тўлади.

Мана шундай нурафшон лаҳзаларда, айнан баҳорга мансуб сумалак ва ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида халқимиз Наврӯз неъматларини, байрам қувончини ўз яқинлари, ёру дўстлари билан баҳам кўради, дунёга қалбини, бағрини кенг очиб, пок ният ва орзуларини билдиради.

Мана шу файзли кунларда одамлар маҳалла-кўй, эл-юрт билан тотув бўлиб, бир-бирига қалб кўрини бағишлаб яшашга, беморлар, етим-есирлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак беришга, табаррук кексаларимизнинг дуосини олишга интилади.

Бу ажойиб байрамнинг яна бир хислати шундан иборатки, у кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни унутиш, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар келишига умид ва ишонч билан яшашга, жамиятимизни аҳиллик ва ҳамжиҳатликка чорлайди.

Бугун юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари маҳаллаларда, тураржойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.



Ижтимоий-сиёсий, илмий-бадний, маданий-матрихий, беэакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги**

**Бош мухаррир:
Азим СУЮН**

Тахрир хайъати:

**Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД
Олимжон ДЎСМАТОВ
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**
(бош мухаррирнинг биринчи ўринбосари)

**Бойназар ЙЎЛДОШЕВ
Сувон НАЖБИДИНОВ
Абдуваҳоб НУРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ**
(бош мухаррир ўринбосари)

**Азиз ТЎРАЕВ
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
Темур ШИРИНОВ
Азамат ҲАЙДАРОВ**

Масъул котиб:

Комилжон ЖОНТОВ

Бўлим мухаррирлари:

**Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

Фотомухбир

Шавкат ҚАҲҲОР

Саҳифалаш ва гузайн

Нигина ҚОДИРОВА

Навбатчи мухаррир

Д. Саъдуллаев

Ушбу сонга:

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

Тўзаллик яратит санъати

Зухра РАҲИМОВА

*Амир Мемур ва
Мемурийлар байроқлари*

Гулсара ШЕРМАТОВА

*Авлодлар муносабатлари
маданияти*

Нилуфар ХИДОЯТОВА

Эртақлар олалига сайр

Гулшан МУҲАМЕДОВА

Қўловчи актёр тўғриси

Ўрхон ПАМУК

*«Менинг исмим – қирмизи»
романдан парча*

*Босишга 07.04.2008 йилда топширилди. Офсет қоғози.
Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 2407*

Буюртма № 37

Тахририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Телефонлар: Қабулхона: 236-56-01.

Бош мухаррир ўринбосари: 236-78-90.

Масъул котиб: 233-07-94. Факс: 233-08-57.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0517 — рақам билан рўйхатга олинган

Муқовамизда:

1-бет: Кўклам забқи. 2-бет: Тошкентда шоира Зулфияга ўрнатилган ҳайкал.

Бу эса Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзодни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугун юртимизда Ёшлар йили деб ном олган 2008 йилнинг Наврўзини кутиб олар эканмиз, барчамиз баҳор айёми, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғланиб кетганини яна бир бор ҳис этамиз.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди. Айни шу кунларда фарзандларига атаб, уларнинг ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиши учун ниҳол экиб, боғ яратади.

Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ўз ёруз келажагимизни, авваламбор, ёш оилалар, ёш авлодимиз тимсолида кўрамиз.

Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Уларнинг ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини кўриб, беихтиёр барчамизнинг кўнглимиз эурурга тўлади, тоғдек кўтарилади.

Бугун мана шу мухташам майдонда, Алишер

Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланган, юзида, кўзида қатъият ва шижоат порлаб турган сиз, азиз ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники!

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча мухтарам меҳмонларимизни Наврўз байрами билан табриклаб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиромимизни билдиришга, узоқ-яқин қўшни ва ҳамкор хорижий дўсту биродарларимизга қизгин салом ва табрикларимизни йўлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошларим!

Бугун, мана шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз, энг аввало, Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш заҳматкаш деҳқонларимизни қутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўпайсин!

Ҳар бир оила, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ЙИЛБОШИ

Бугун баробардир Кеча ва Кундуз —
Олам меҳварида қуёш барқарор.
Жанубий ярим шар қучоғида Куз,
Шимолий ярим шар бағрида Баҳор.


Хуш келдинг, Наврӯзим, Ўзбекистонга,
Хуш кўрдик мойчечак, бодом гуллари.
Истиқлол юз очган ота маконга
Анбарлар ташийди тоза еллари.

Гарчи кечаларнинг ҳарорати паст,
Этни жунжиктирар бу тунлар гарчи,
Офтобли кунларга ихлосу ҳавас
Олиб учиб келди наврӯзак — элчи.

Йил — Йилбошисидан... мана, нафаси
Тумандай тарқатди Қиш жафоларин.
Жарлар, дарахтларда қушлар уяси
Тагин кутиб олди “бевафо”ларин.

Мен бир ошиқ шоир, кўкда камалак,
Қалдирғочнинг қийиб учишин кутдим.
Дошқозонлар тўла ҳалим, сумалак,
Қозонинг муборак муқаддас ЮРТИМ!

Азим СУЮН





ТЎЗАЛМИК ЯРАТМИШ САЊЪАТМИ

*Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтини ректори, профессор Аблоберди Эгамов билан суҳбат*

— Аблоберди ака, сўнгги йиллар ичида Миллий рассомлик ва дизайн институтида қандай кўзга кўринарли ўзгаришлар рўй берди. Сизнингча, институт замон талаблари даражасида фаолият кўрсатяптими?

— Ўзбекистонда бадиий таълимни ривожлантиришдаги муҳим қадамлар мустақиллик йилларида ташланди. Ижодий йўналишда фаолият кўрсатувчи институтимизнинг ташкил этилишини ҳам истиқлолнинг меваси дейиш мумкин. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Тошкент Давлат санъат институти рассомлик факультети негизида Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилди. Ўтган йиллар давомида институт мустақил олий ўқув юрти сифатида нафақат шаклланди, шу билан бирга, Марказий Осиёда мазкур соҳадаги энг илгор ўқув муассасаси сифатида тан олинди.

Институтимиз Республикамизда бадиий таълим соҳаси бўйича ҳам етакчи — таянч, ижодий олий таълим муассасаси ҳисобланади. Унда тасвирий ва амалий безак санъатининг барча турлари бўйича билим берилади ва юксак малакали мутахассислар тайёрланади.


Кейинги йилларда жамоамиз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича қатор ўқув-услугий, илмий-ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ижодкор мутахассис кадрларни тайёрлашда юқори профессионализм, маънавий етуклик, баркамол инсонни шакллантириш, юксак савияли ижодкорларни тайёрлаш борасида реалистик мактабининг ўзига хос замонавий модели шакллантирилди. Шунингдек, маънавий-маърифий ишларда, ёшлар тарбиясида, ўқув жараёнини ташкил этишда, илмий-ижодий салоҳиятни юксалтиришда, моддий-техник базани талаб даражасида таъминлашда

инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Ҳозирда институтида тўртта факультет, малака ошириш бўлими ва ўн етита кафедра мунтазам равишда фаолият кўрсатиб турибди. Мазкур кафедраларда 207 нафар профессор-ўқитувчилар 1000 дан ортиқ талабаларга бадиий таълимнинг турли йўналишлари бўйича сабоқ бермоқдалар. Уларнинг ичида академиклар, профессорлар, фан докторлари, фан номзодлари, халқ рассомлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва санъат арбоблари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари меҳнат қилаётганлиги ҳам институтимизнинг салоҳиятини белгилайди.

Талабаларга бадиий таълим соҳалари бўйича сабоқ берувчи профессор-ўқитувчиларимизнинг аксарияти жаҳон миқёсида ҳам яхши танилган. Ана шундай санъат усталаридан Ўзбекистон Бадиий Академияси академиклари Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Илҳом Жабборов, Акмал Икромжонов, Турсунали Кўзиев, Йигитали Турсунназаров, Собир Раҳметов, Саъдулла Абдуллаев, Алишер Мирзаев, Владимир Бурмакин, Акбар Ҳакимовлар талабаларга санъат сирларини ўргатиб келмоқдалар. Улар Ўзбекистон бадиий мактабининг анъаналарини ривожлантириш билан бирга келгусидаги таълим жараёнини янги ижодий ғоялар билан такомиллаштирмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, тарихан шаклланган устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган.

Институтимизда бакалаврият босқичида талабалар тўрт йил таълим олишади. Унда қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланади. Жумладан, дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, театр безаги рангтасвири, фильмнинг тасвирий ечими,




миниатюра, китоб графикаси, ҳайкалтарошлик, бадиий кулолчилик, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, амалий санъат асарларини таъмирлаш, реклама ва амалий графика, компьютер графикаси ва бадиий фото, либос дизайни, интерьер дизайн, саноат дизайни, санъатшунос, музейшунос, санъат менежменти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бакалаврият босқичини яқунлаган талабаларнинг бир қисми таълимнинг кейинги босқичи — магистратура (икки йил)да ўқишни давом эттирадilar. Ўқув жараёнини ташкил этиш, услубий-ишлар, янги педагогик технологиялар бўйича қатор инновацион тизимлар қўлланилмоқда.

Олий ўқув юртимизда маданият, санъат, дизайн тарихи ва назарияси, музейшунослик соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аспирантура очилган. Бугунги кунга қадар аспирант ва тадқиқотчилар сони 30 нафарни ташкил этмоқда. Улар ўзлари танлаган мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Айни пайтда 6 нафар қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларидир. Шу билан бирга талабаларимиз орасида Президент стипендияси, Навоий стипендияси, “Фонд форум” стипендияси, “Камолот” ЁИХ стипендияси совриндорлари ва Олимпиада ғолиблари борлиги ҳам институт салоҳиятининг юксаклигидан далолат беради.

Мустақил таълим муассасаси сифатида ташкил этилганига эндигина ўн йил тўлган институт учун бу ютуқларнинг барчаси, менимча, беҳад қувончлидир. Лекин Республикада ягона ва нисбатан ёш бўлган институт жамоаси олдида ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Келажакда таълим-тарбия ишларимизни жаҳон талаблари даражасига кўтаришимиз лозим.

— **Сўзларингиздан шунини аниқлаш, кейинги пайтда рассомлик ва дизайн институтининг рейтингини кўтарилгани аниқ. Бу сизнингча,**



нималарда яққол намоён бўлаётир? Жаҳоннинг қайси олий ўқув юртлари билан ҳамкорликлар ўрнатилган?

— Институтимиз бугун шарафли ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда. Ўтган йиллар давомида бир қатор сезиларли ютуқларга эришилди. Институт эришган муваффақиятларининг, ютуқларининг негизи бу, албатта, профессор-ўқитувчиларимизнинг фидоийликлари, заҳматли меҳнатлари самарасидир.

Институтимизда халқаро алоқалар бўлими мавжуд бўлиб, бу бўлим чет эллик ўқитувчилар ва талабаларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиб беради ва жамоамизга чет элдан келган хорижий меҳмонлар ва делегацияларни, мутахассисларни, санъаткорларни кутиб олишда қатнашади. Чет эллик ҳамкорлар билан алоқалар боғлашда ҳам бўлимнинг хизмати катта.

Бугунги кунда Россия, Англия, Италия, Германия, Эрон, Украина, Япониянинг Сока, Туркиянинг Эржиес университетлари ҳамда Қозоғистон санъат академияси, шунингдек, анъанавий равишда Белгиянинг Антверпен олий рассомлик мактаби ва Жанубий Кореянинг Кёнг Хи университети, Миср Араб Республикасининг Хелвон ва Миния университетлари билан мустақам алоқалар ўрнатилган. Ўқитувчи санъатшуносларимиздан бир гуруҳи Жанубий Корея ва Миср Араб Республикасида бир неча бор бўлиб қайтганлар. Бундай дўстона сафарлар, шубҳасиз, ижодий имкониятларимизнинг кенгайишига пухта замин яратади.

Сўнгги йилларда профессор-ўқитувчилардан Камола Акилова АҚШ ва Францияда, Мавлуда Юсупова Англияда, Абдуғани Абдураззоқов Японияда, Леким Ибрагимов Германияда, Рустам Худойберганов Мисрда, Жавлон Умарбеков ва Баҳодир Жалоловлар Россияда, Дилфуза Раҳматуллаева Ҳиндистонда турли халқаро форумлар ва кўرғазмаларда иштирок этдилар. Рассомларимиз Россия, Қозоғистон, Туркия, АҚШ каби давлатларда анъанавий равишда шахсий кўрғазмаларини ўтказиб қайтишди.

Мамлакатимиз санъатига бўлган қизиқиш хорижда ҳам кўплаб санъат шайдоларини ўзига жалб этмоқда. 2003 йилда институт Осиё академиясининг аъзолигига ICCROM (ЮНЕСКО)га қабул қилинган. Эндиликда кўпгина талабаларимиз хорижий мамлакатларда ўз асарлари билан катта эътибор қозонмоқда. Талабаларимиз орасида Россия, Тожикистон, Корея ва Франция каби ривожланган давлатлар фуқароларининг борлиги ҳам институтга нафақат республикаимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш

нақадар юқориликдан далолат беради. Бизнинг жамоамиз гўзаллик яратиш санъати билан шуғулланади. Бу ишни мен Ўзбекистонни дунёга танитишда энг зарур, ниҳоятда фахрли фаолият, деб ҳисоблайман.

— **Аблорберди ака, қабул ишлари жараёнлари йилдан-йилга масъулият касб этмоқда. Ўтган йилги жараён қандай кечди?**

— Мамлакатимизда санъатнинг кўпгина турлари каби, рассомлик, дизайнерлик соҳасига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда. Натижада абитуриентлар сони кўпаймоқда, хусусан, 2007-2008 ўқув йили учун ўтказилган қабул жараёнлари юқори савияда ўтганлиги институтимизнинг нуфузи нақадар ошаётганлигини билдиради. Бакалавриятнинг 14 таълим йўналиши бўйича давлат квотасида белгиланган 275 ўринга 600 дан зиёд аризалар тушди. Айниқса, “Дизайн” йўналиши бўйича “Интерьер дизайни” бўлимига бир ўринга 10 нафар, “Либос дизайни” бўлимига бир ўринга 13 нафар абитуриент тўғри келди. Магистратура ва аспирантура босқичларида ҳам худди шундай ҳолатлар кузатилмоқда.

2008-2009 ўқув йилида Давлат тест маркази томонидан кириш имтиҳонлари тўртта фандан ўтказилиши ва ижодий имтиҳонларга 3,1 балл ажратилганлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

— **Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш билан бирга уларни жой-жойига қўйиш, касбга йўналтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда маркетинг хизматининг ҳам алоҳида ўрни бор. Институтда маркетинг хизмати қандай йўлга қўйилган?**

— Институтимиздаги маркетинг хизмати айни чоғда мутахассис кадрларни ҳозирги замон нуқтаи назаридан келиб чиқиб, келажакдаги мутахассисларга бўлган талабларга мос равишда шакллантириш борасида изчил изланишлар олиб бормоқда. Қолаверса, таълим тизимидаги маркетинг мутахассис кадрларга бўлган талабларни, уларнинг жамиятдаги ўрнини маълум даражада белгилаб беради.

Маркетингнинг асосий вазифаларига ахборот йиғиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш, алоқаларни ўрнатиш ва янги замонавий таълим йўналишларини таклиф этиш бўйича фаолият юритиш, йўналиш турини кўпайтиришни бошқариш киради.

Ҳозир бозор иқтисодиёти юқори даражага кўтарилган мамлакатларда, маркетинг тамойиллари оддий уй-рўзғор ҳўжалигидан бошлаб, то космосдан самарали фойдаланишгача бўлган жараёнларда яққол кўринмоқда. Шунинг учун маркетингнинг инсонни икки мингдан ортиқ фаолиятига мос келадиган хиллари яратилган. Институтимиз


сон жиҳатдан катта бўлмаса-да, жаҳон санъати билимлари ва миллатимизнинг ўзлигини, яъни миллий анъаналарини, тасвирий ва амалий бой ўтмиш санъатини ўзида мужассамлаштирган ва бу соҳада Марказий Осиёда ягона олий таълим муассасаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизнинг муассасамиз нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон мамлакатлари ичида ҳам ўз мавқеига эга. Бунда эса маркетингнинг аҳамияти бор. Маркетинг фақат шулар билан чегараланиб қолмай, юртимизнинг кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, бирлашмалари билан ҳам ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, таълим муассасасининг истиқболини ўйлаб институт номидан маълум келишувлар ва музокаралар олиб боради. Шунингдек, янги ўқув йили қабулининг кўрсаткичларини аниқлашда, тўлов-контракт бўйича “буюртмалар портфели”ни шакллантиришда ҳам унинг хизмати беқиёс. Ҳатто, тақсимот комиссиясининг Иш берувчилар билан биргаликда кенгайтирилган “Битирувчи” анжуманини ўтказиш, битирувчиларни ишга тақсимлаш бўйича меҳнат ярмаркаси ташкил этиш вазифасини институт номидан олиб боради.

Ўйлайманки, маркетинг бўлими истиқболда ўзининг фаолиятини бундан-да юксак даражага кўтаради.

— **Ҳар қандай Олий ўқув юрти фақат таълим-тарбия масалалари билангина чекланиб қолмай, балки илмий тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланади. Шу маънода институтда олиб борилаётган илмий изланишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Институтда профессор-ўқитувчиларнинг илмий-ижодий ишлари комплекс дастур асосида ташкил этилган. Бунга кўра, халқаро жамғарма ва ташкилотлар дастурлари доирасида тадқиқотлар амалга ошириш, турли илмий-назарий, илмий-амалий анжуманлар, семинарларни





ўтказиш ва уларда иштирок этиш, юқори савияда ташкил этилган кўрғазмаларда иштирок этиш ва шахсий кўрғазмалар ташкил қилиш, илмий мақола, тўплам, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, буклет, альбом ва каталоглар чоп этиш масалалари кўзда тутилган.

Кейинги 3 йил ичида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан 60 дан ортиқ ўқув-қўлланма ва дарсликлар, 100 га яқин ўқув-услугий қўлланма ва рисоалар, маъруза матнлари ҳамда рассомлар ижодини ифодаловчи каталоглар нашрдан чиқарилди. Касб-ҳунар коллежлари учун 50 дан ортиқ ўқув қўлланма матнлари тайёрланиб, нашрга топширилди.

Олимларимиз Фан ва технологиялар марказининг инновацион лойиҳалар танловида иштирок этиб, 2 та лойиҳа ютиб олишди. Ҳар иккала лойиҳа ўзига хослиги ва олий, бадиий таълим йўналишидаги ўқув юртлари учун мазмун-моҳияти ҳамда янгилиги, санъат-шунослик ва маданиятшунослик соҳасида яхши ўқув-қўлланма ва яхлит тадқиқот самараси эканлиги билан ажралиб туради.

Институтимиз тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳалари бўйича Республикадаги барча ўрта махсус бадиий таълим муассасалари билан ўқув-услугий адабиёт ва дарсликлар билан таъминлаш, малакали мутахассис кадрлар етказиб бериш, у ерда ишлаётган педагогларнинг малакасини ошириш бўйича доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сўнги йилларда институт профессор-ўқитувчиларини илмий, ижодий жараёнга жалб этиш натижасида қуйидагиларга эришилди. Ўтган ўқув йилида илмий, ижодий салоҳият 53,3 фоизни ташкил этган бўлса, жорий ўқув йилида 59,8 фоизни ташкил этди. Айти пайтда 5 нафар ўқитувчилар номзодлик ва 1 нафар ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди.

Институтда “Ўзбекистонда замонавий бадиий таълим муаммолари”, “Марказий Осиёда дизайнни ривожлантириш истиқболлари”, “Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида”, “Ўзбекистон санъати ёшлар нигоҳида” каби анжуманлар ўтказилди. Уларда институтнинг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, аспирант ва илмий тадқиқотчилар ўзларининг илмий маърузалари билан фаол қатнашдилар. Ғолиблар қимматбаҳо совринларга эга бўлишди.

26 нафар иқтидорли талабаларимиз “Ёш дизайнерлар”нинг Республика фестивалида иштирок этиб, улардан 2 нафари олий соврин ГРАН-ПРИ билан тақдирланди.

Бугунги кунда 100 га яқин иқтидорли талабалар ўқишда, ижодда ва жамоатчилик

ишларида яхши натижаларга эришдилар.

Институт илмий бўлимининг режасида 2010 йилга қадар Ихтисослашган Кенгаш ташкил этиш, докторантурага қабул қилиш ишлари режалаштирилган бўлиб, ушбу масалалар бўйича тегишли идораларга таклифлар киритилган. 2008 йилда “Либос дизайни” йўналиши бўйича аспирантура очиш ва қабул қилиш режага киритилди.

— **Жамоада ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳам борми?**

— Муаммоларимиз ҳам бор. Хусусан, бадиий таълим тизимида мукамалликка эришиш учун салоҳиятимиз етарли бўлгани ҳолда, мавжуд биноларнинг турли ҳудудларда жойлашгани, тарқоқлиги баъзи бир муаммоларни келтириб чиқаряпти. Минг афсуски, ҳали барча ижодкор ўқитувчиларимиз учун жиҳозланган хоналар етарли эмас. Бу муаммони еча олсак, ҳеч шубҳасиз, янги имкониятларга эга бўламиз. Орзуим, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган, бадиий таълимга мослаштирилган, ягона бинода институтимиз талабаларига юксак маданиятли билим ва тарбия беришни йўлга қўйишдан иборат.

— **Институтда таҳсил олаётган барча талабаларга ҳам ётоқхоналар етарлими? Ёки хусусий хонадонларда ижарада яшайдиган талабалар ҳам борми? Бор бўлса, улар билан қандай тарбиявий ишлар олиб борилмоқда? Моддий жиҳатдан уларга қандайдир ёрдам кўрсатиляптими?**

— Олмача 35 манзилида институтнинг ётоқхонаси мавжуд. Унга 192 нафар талаба жойлаштирилган. Талабалар ётоқхонаси институт ихтиёрига ўтгач, сифатли таъмирланди. Унда замонавий талаблар даражасидаги маънавият хонаси, 3000 дан ортиқ китоб фондига эга кутубхона, ошхона, ювиниш хонаси, дам олиш хоналари талабаларга хизмат қилмоқда. Талабалар турар жойида турли хил маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилади. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ижтимоий аҳволи раҳбариятнинг доимий эътиборида. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижарада турувчи талабаларга мунтазам моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хусусан, 2007 йилда ушбу ишларга 20 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ниятларимиз эзгу, саъй-ҳаракатларимиз авжида, чунки қилаётган ишларимиз мустақил мамлакатимиз истиқболи учун хизмат қилади. Жамоамиз ана шу фахрни юрак-юракдан ҳис этиб, астойдил меҳнат қилмоқда.

*Сўхбатдош: Давлатмурод
САЪДУЛЛАЕВ*

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМҶРИЙЛАР БАЙРОҚЛАРИ

Байроқлар — инсоният тарихини акс эттирадиган ўзига хос рамзлардир. Улар халқлар ҳаётида содир бўлган энг муҳим ҳодисалар моҳиятини билиб олишга калит саналади. Байроқлар эрамиздан аввалги иккинчи-учинчи минг йилликда пайдо бўлган. Ўша даврлардан буён байроқлар жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келади. Байроқлар, айниқса, уруш даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Аслида байроқлар қабила-ларни бир-биридан фарқлаб кўрсатувчи рамз сифатида юзага келган. Кейинчалик улар ҳукмдорлар, лашкарбошилари-нинг ҳукмронлигини билдирадиган белгига айланган. Вақт ўтиши билан байроқлар жанг пайтларида кўшинларнинг номуси, шарафи рамзи бўлиб қолган. Савдо кемаларига осилган байроқ унинг мавқеини билдирган. Кишилар байроқлар орқали бир-бирларига турли ишоралар қилишган, хабар беришган, бир-бирларини душмандан огоҳлантиришган. Мансабдорларнинг мавқеи, амалдорлик даражасини уларнинг байроқларига қараб ажратишган. Ҳозирги пайтда байроқ Давлат мустақиллиги рамзи саналади. Байроқларда ҳар бир мамлакатнинг миллий ўзига хослиги, тарихидаги муҳим

ҳодисалар акс этади.


Марказий Осиёда байроқлар жуда қадим замонлардан мавжуд. Қадимги адабий ёдгорликларда, тасвирий санъат асарларида байроқлар кўп кўрсатилган. Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома”сида темирчи Кованинг коржомаси этагини байроқ қилиб кўтариб, халқни золим шоҳга, одамхўр Заҳҳокка қарши кўзғолонга бошлагани ҳикоя қилинган. Машҳур паҳлавонлар улуг подшоҳларнинг байроғи остида жангга кирган. Алишер Навоийнинг достонида Искандар аскарлари “ҳилпираган байроқлар остида” Доро лашкарига қарши жанг бошлагани маълум қилинади. Қадимий санъат ёдгорликларида, масалан, Эрмитажда сақланаётган, Хоразмдан Аников топган VII-VIII асрларга мансуб кумуш идиш сиртида аскарларнинг байроқ кўтариб, жангга кириши тасвирланган. Байроқ кўтарган аскар қалъа дарвозаси олдида турибди. Байроқ дастаси калта. Байроқ бир бўлак матодан қилинган. Эҳтимол, у чармдан қилингандир. Байроқ дастаги майда металл михчалар ёрдамида мустаҳкамланган. Қадим замонларда байроқ дастасининг тепасига отнинг думи боғлаб кўйилган. Бу жанговарлик рамзи саналган.

Ўтмиш замонларда найзага осиб олинган серхашам туг куч-қудрат рамзи ҳисобланган.

Замонлар ўтиши билан байроқларнинг аҳамияти ортиб бораверган.

Темурийлар даври миниатюралари ўша даврларда турлича маънони ифодаловчи ҳар хил байроқлар бўлганидан далолат беради.

Маълумки, Амир Темури салтанатни идора қилишда мўғулларнинг бу борада жорий этган тартиб-қоидаларига амал қилган ва уни мукаммаллаштириб борган. Жумладан, унинг кўшинида ҳам байроқлар муҳим рол ўйнаган. Ҳарбий юришлар пайтида, жанг чоғида байроқлар алоҳида ўрин тутган. Ҳар бир кўшин ва кўшин турининг махсус байроғи ва туғи бўлган. Кўшиннинг илғор, марказ, ўнг ва сўл қанот қисмлари, асосий зарбдор куч ортидаги қисмининг ҳам ўз махсус байроқлари бўлган. Байроқларга ой, юлдуз, қуёш рамзлари, кўшин турининг белгиси туширилган. Ҳарбий юришлар чоғида лашкарбоши қароргоҳи асосий марказ саналган. У ерда байроқ ҳилпираб, ҳамма томондан кўриниб турган. Бу байроқ воситасида кўшинларга буйруқлар маълум қилинган. Лашкарбоши ва кўшин бошлиқлари байроқ-




нинг шартли ҳаракатларига қараб, ҳужумга ўтишган, қўшинлар ўрнини ўзгартиришган, чекинишган. Турли рангдаги байроқлар турли шартли маъноларни англатган. Қўшиндаги ҳар бир қисм муайян рангдаги байроққа эга бўлган. Бу рангларнинг ҳар бири ўзига хос рамзни ифодалаган. Амир Темури қўшинида маълумотларни етказишга доир алоҳида шартли белгилар “тил”и ишлаб чиқилган. Масалан, оқ байроқнинг кўтарилиши ёрдам етиб келгани ёки ғалабага эришилганини билдирган. Агар лашкарбошининг байроғи баланд кўтарилса, бу унинг қўшинлари хавф остида эканини англатган. Байроқнинг ерга ташланиши мағлубият саналган. Душман лашкарбошини байроғининг тортиб олиниши ёки уриб туширилиши жангда узил-кесил ғалабага эришилганидан далолат берган (Темурийлар даври миниатюраларида мағлуб лашкарнинг байроқлари дастаси синдирилиб, оёқ остига ташлангани кўрсатилган). Забт этилган шаҳар ва қалъалар деворлари устига ғолиб султонларнинг байроқлари осиб қўйилган. Агар лашкарбоши (амир) вафот этса, унинг байроғи дафн маросими пайтида тобут олдида олиб борилган ва қабрга бирга кўмилган. Байроқ ҳокимият, ҳукмдорлик рамзи саналган. Шайх Амир Барақа Амир Темурга байроқ ва ноғора топшириб, уни ҳокимиятни эгаллашга даъват этган.

Амир ва лашкарбошилар жасоратини тақдирлаш учун уларга байроқ, туғ берилган. Амир Темур “Тузуклар”ида амирларни рағбатлантириш учун ер берилгани, бунинг


ёрлиги сифатида уларга байроққа осиб қўйиладиган алам тақдим қилингани айтилган. Аламлар миқдори амирнинг салтанат олдидаги мавқеини билдирган. Бош лашкарбошида иккита фахрий белги бўлган. Булар: туман-туғ ва чор-туғ. Уларни лашкарбоши ҳарбий юришлар чоғида доимо олиб юрган.

Амир Темур жанг пайтида байроқлар “тил”идан моҳирона фойдаланган. Масалан, Гиёсиддин Алининг маълум қилишича, Тўхтамишхон қўшинлари билан Терекда бўлиб ўтган уруш чоғида у душман қўшини байроқбардорини қўлга олган. У байроқни ерга ташлаган. Тўхтамишхон аскарлари бу ёлғон белгига ишонишиб, жангни тўхтатишган. Бу эса Амир Темур қўшинларининг ғалаба қозонишига олиб келган. Бир сафар Амир Темур “Ўз байроғини шаҳрисабзлик аскарларга топшириб”, унга қарши уруш олиб бораётган Амир Хизрни чалғитган ва унинг қўшинини тор-мор этган. Бу Амир Темурнинг ҳокимиятни эгаллаш



йўлида қатъий, дадил ҳаракат қилишига йўл очган. Яна бир сафар Амир Темур буйруғи билан “душманга ваҳима солиш мақсадида мўғуллар келгани ҳақида хабар берилиб, мўғул байроқлари тарқатилган. Малик Баҳодир қўшини мўғул байроқларини кўриб, қўрққанидан орқасига қайтиб қочиб кетган”.

Шероз, Табриз ва Ҳиротда XIV-XV асрда яратилган миниатюраларда тасвирланишича, Темурийлар даврида байроқлар турли шакл ва кўринишда



бўлган.


Самарқанд ёки Хиротда байроқлар махчаси очилаётган ёки ёпиқ турган гунча шаклида бўлган. Шунингдек, “Оллоҳ” сўзи чиройли ҳусниҳатда ёзилган. Махчани жездан, олтин суви юритилган мисдан ёки оқ тунукадан тайёрлашган. Айрим ҳолларда махчага бир бўлак от думи — туғ боғланган. Бу жасурлик, жанговарлик рамзи ҳисобланган. Амирлар, баҳодирларга жангларда кўрсатган мардлиги, жасорати учун бир неча туғли байроқлар тақдим этилган. Байроқлардаги турли белгилар муайян маънони ифодаловчи рамз ҳисобланган.

Амир Темурнинг байроғи сақланиб қолмаган. Аммо бу хусусда ўша давр солномаларида, ёзма манбаларида айрим маълумотлар мавжуд. Клавихонинг қайд этишича, “Темурнинг туғросида учта айлана тасвирланган бўлиб, бу унинг дунёнинг уч қисми ҳукмдори эканини билдирган...” Бошқа

бир талқинга кўра эса пастдан юқорига қараб турган уч айлана “Соҳибқирон — омадли буржлар ҳукмдори” маъноси билдиради. Соҳибқирон туғросида хўкиз боши услублаштирилиб, унинг оғзи ва кўзи кўрсатилган. Бу мўғулларда муайян рамзни билдирган. Хулагу хони Арғуннинг тамғасида ҳам айни шундай тасвир ифодаланган. Э.Ртвеладзенинг таъкидлашича, туғро, тамғалардаги бу белги кўп маънони ифодалаган. Афсуски, миниатюралардаги байроқларда ўша давр тангалари, туғроларида тасвирланган бу белгини кўрмадик. Балки ушбу тасвир Амир Темур ҳарбий юришларда улкан муваффақиятларга эришганидан кейинги даврларга мансуб туғрода акс этгандир. Чунки Клавихо Амир Темур ҳукмдорлигининг охириги пайтларида унинг саройида бўлган. Эҳтимол, сайёҳ ва унинг ҳамроҳлари қуёш нурлари фонидида тасвирланган шерни “Самарқандлик ҳукмдорнинг туғ-

роси” деб ўйлаган бўлиши мумкин.

Жомийнинг “Олтин занжир” қўлёзмасига ушбу асардаги ов воқеаси асосида “Тоғдаги ов” деб номланган икки-та миниатюра ишланган. Унда тасвирланган байроқда худди шундай туғро кўрсатилган. “Тоғдаги ов” миниатюрасидаги байроқнинг дастаси узун, қизил рангда. Байроқ матоси оқ рангда, учбурчак шаклда. Байроқ икки қисмга бўлинган. Байроқ матоси ўртасида олтин айлана чизилган. Айлана ичида қуёш нурлари олдида турган шер тасвири кўрсатилган. Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқида ҳам худди шундай тасвир мавжуд. Байроқ матосининг энсиз бир қисми тилла рангда. Унинг ёнидан вертикал қилиб кўк рангда тўлқинли чизиқ ўтказилган. Махчанинг юқори қисмига олтин рангли найза ўрнатилган. Унга ҳашаматли шокилалар осилган. Оқ-яшил тусли байроқ шамолда ҳилпираб, жуда чиройли кўринади. Шер қуёш рамзи саналади. У — ҳайвонот дунёсининг шоҳи. Шер қадимдан шу тарзда рамзлаштирилади. Мусулмонлар қадимдан бу ҳайвонни қуёш рамзи, куч-қудрат, ҳукмронлик тимсоли деб ҳисоблашган. Шу боисдан улар миниатюраларда қуёш олдида турган ҳолда тасвирланган. М.Массоннинг қайд этишича, қадимдан турк-мўғул ҳукмдорлари тамға, нишонларида қуёш олдида турган шер тасвири ифодаланган. Бу анъана темурий ҳукмдорларга ҳам мерос бўлиб қолган. “Шоҳнома”нинг 1370-1380 йилларда Табризда кўчирилган қўлёзмасига ишланган миниатюрада жанг чоғидаги байроқ



тасвирланган. Бу байроқда бошқа бир белги ифодаланган. “Шоҳнома”нинг мазкур қўлёзмаси Тўпқопида сақланади.

Амир Темур 1392 йилда Эронга юриш қилган. Ўшанда унинг байроғи қора рангда бўлиб, унга кумуш тусли аждарҳо тасвири туширилган. Хитойга юриш қилган чоғида аждарҳо тасвирини олтин рангда ишлаттирган. Бу билан у Хитойга қарши юриш қилишга қонуний ҳақли эканини таъкидлаб, галаба қозонишига ишора қилган. Биз ўрганиб чиққан миниатюраларда бошқа бу рангли байроқ ва ундаги рамз учрамади. Шоҳруҳ ва Бойсунқор Мирзо давридаги байроқларда ҳам аждар тасвири мавжуд. Аммо уларнинг ранги ва белгилари бошқача.

Лондонда сақланаётган Низомий “Ҳамса”сига ишланган “Искандар ва Доро жанги” Ҳирот миниатюрасида ўша замонлардаги энг чиройли байроқлардан бири тасвирланган. Бу байроқ бир неча хил рангдаги матодан тикилган. Махчаси жим-жимадор нақшлар билан безатилган. Унга тўриқ от думидан туғ осилган. Байроқ матоси тўғри бурчак шаклида. Байроқ ўртасида яшил тусли нақшли айлана мавжуд. Унинг уч томони тўқ кўк рангли мато билан ўралган. Байроқнинг юқори қисми ва пастки четида кичкина учбурчакли байроқчалар тикилган. Қуш қанотига ўхшаш тўқ кўк рангли байроқчалар ўртасида тилла тусли нақш бор. Бундай ҳашаматли байроқ, одатда, юқори мансабдорларга тегишли бўлган.

Шероз қадимги қўлёзмасида санаси 1398 йил деб қайд қилинган “Темучин ва Амир

Катай жанги” миниатюрасида тасвирланган байроқда афсонавий қақнус (ўнг томони) ва аждар (чап томони) тасвири тилла тусдаги ип билан безатилган. Қўшинларнинг байроқлари пишиқ, енгил матолардан, асосан, бахмал ёки ипак матодан тикилган. Уларга турли белгилар туширилган. Бундай байроқлар шамолда ҳилпираганида ўзига хос тантанавор овоз ҳосил бўлган.

Баъзан битта дастага турли тусдаги иккита ёки учта байроқ тикилган. Даста учига тилла суви юритилган ёки жездан тайёрланган найза ўрнатилган. “Қалъани забт этаётган Али” миниатюрасида шундай байроқ тасвирланган (Ҳофиз Абрўнинг “Куллиёти тарих” қўлёзмасига ишланган, ҳижрий 818-819/ мелодий 1415-1416. Истанбулдаги Тўпқопи кутубхонасида сақланади). Бу байроқ тўқ қизил рангда. Байроқ ўртасига тилла ипда кўёш тасвири тикилган. Бошқа қизил рангдаги байроқда тилла, кумуш, кўк ва яшил рангли ип билан тўлғанаётган аждар тасвири ишланган. Ҳиротда XV аср биринчи чорагида ишланган миниатюраларда, шунингдек, Техронда кўчирилган “Шоҳнома” қўлёзмасига ишланган миниатюрада шундай тасвири байроқлар кўрсатилган. Бу байроқларга оч қизил ёки оқ, шунингдек, яшил фонда аждар, қақнус ва бошқа афсонавий жонзотлар тасвири жозибадор тарзда тикилган. Эҳтимол, байроқлардаги афсонавий қуш ва аждарлар тасвири кўз тегишидан сақлайдиган

тумор ёки душманга қўрқув, таҳдид солиш учун ифодалангандир.

Ўша даврларда байроқларга шер, фаришта тасвири туширилгани бевосита қадим замон мунажжимларининг осмон ёритқичлари жойлашиши тартибини белгилаши билан боғлиқдир.

XV аср иккинчи ярмидан жангчилар дубулғаси тепасига ҳам байроқчалар тақиб олишган. Бу байроқчаларга қараб, жангчининг қайси қўшиндан эканлигини билиш мумкин бўлган.

Темурийлардан бири — Бобурнинг байроқлари ҳам ўзига хосдир. Улар кенг, энли матодан иборат. Дастаси йўғон, қисқа. Найзасига от думи билан бирга ҳашамдор оқ туғлар осилган. Байроқларнинг учи — махчаси турли шаклда. Айрим байроқларнинг учи худди бўйни узун афсонавий қуш ва жонзотларга ўхшайди. Матолар сариқ, қизил, яшил, пистоқи ва бошқа тусда. Улар дастакка ўрнатилган. Байроқлар турли рангдаги узун ғилофларга солинган.

Хитой лашкарбошиси жанг санъати тўғрисида мулоҳаза билдириб, “Довул, ноғора садолари қулоққа эшитилиб, қўрқувга солади, байроқ, туғлар эса кўзга кўриниб, ваҳима уйғотади” деб ёзган эди. Ҳақиқатан, шамолда ҳилпираётган байроқлар остида шиддат билан жангга кираётган аскарлар душман юрагига ваҳима ва қўрқув солгани аниқ.

Зухра РАҲИМОВА

АВЛОДЛАР МУНОСАБАТЛАРИ МАДАНИЯТИ

Мамлакатимизда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, демократик фуқаровий жамиятни шакллантиришнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнлар давлат ва шахс, ижтимоий гуруҳлар ва шахс, шахсларнинг ўзаро муносабатларида кескин ўзгаришларни рўёбга чиқармоқда. Демократик давлат барпо қилиш жамиятимизнинг асосий мақсади экан, демак ушбу мақсадга, миллий истиқлол гоёси тамойилларига мувофиқ оилавий муносабатларни ҳам модернизация қилишни давр талаб қилмоқда.

Оила маънавий муҳитининг авлодлараро мулоқот маданиятини шакллантиришда алоҳида ўрни бор. Бунда катталарга ҳурмат, кичикларга иззат тамойилига амал қилиниши керак. Ёшидан қатъи назар ҳар бир шахснинг фикр-мулоҳазаларига эътибор мулоқот маданиятининг талабларидан биридир. “Ақл ёшда эмас, бошда” деб таъкидлаб келган доно халқимиз. Ушбу нақл, кўриб турибсизки, ҳеч бир эътирозсиз, демократик жамиятнинг шахс эркинликларини таъминлаш, авлодлараро

муносабатларни модернизация қилиш борасидаги талабига мос келган.

Шиддатли ўзгаришларга тез мослашиш қобилияти ёшларнинг азалий хусусиятларидандир. Ушбу хусусият ҳозирги давр шароитида авлодлараро муносабатларнинг психологик ҳолатига маълум даражада салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаш жоиз.

Бугун ота-онасининг бойликларига таяниб ичкиликбозлик, наркоманияга берилиб кетаётган ёки енгил пул топиш йўлларига кириб кетиб, катталарни, ота-оналарни менсимай, ҳамма нарсани фақат пул билан ўлчашга ўрганиб кетаётган ёшларимиз йўқ эмас. Оиланинг маданий-маънавий муҳити соғлом, ахлоқий тамойилларга муносиб шаклланган бўлмаса, бойлик ножўя оқибатларга, фожиаларга олиб келиши, оила муҳити психологик ҳолатига, шахслараро, шу жумладан, авлодлараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, мулоқот маданияти даражасини пасайтириши мумкинлигига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолларда бойлик қадрият сифатида ўз моҳиятини йўқотади. Унинг борлигидан йўқлиги афзал бўлиб қолади. Жалолиддин

Румийнинг “Маснавий маънавий” достонида келтирилган ривоятнинг маъноси ҳам худди ушбу ҳолатнинг ифодасидир. Бу ривоятда айтилишича, Муҳаммад пайғамбар намоз учун таҳорат олаётганларида бир пой этикларини бургут олиб кетади, бургут ҳавога кўтарилганида этик ичидан бир илон тушиб кетибди. Расулуллоҳ шунда “Мен фақат ўзимни ўйлаб, бургутдан хафа бўлаётган эдим, унинг яхшилик қилаётганлигини билмай қолибман, аслида этигим йўқолишига қувонишим керак экан”, дебдилар. Бундан Румий шундай хулосага келади: “Барчамиз ҳам молимиз йўқолганига ёки камайганига хафа бўлмаслигимиз, баъзан қувонишимиз ҳам керак. Чунки молларимиз ичида илонлар яширингандир”.

Ҳар бир жамиятда шахс ўз эҳтиёжларини (моддий ва маънавий) қондириш учун тинимсиз кураш шароитида фаолият кўрсатади, тўсиқларни енгиб мақсадига етишга интилади. Иродаси заиф шахсларда, қайси авлод вакили бўлишига қарамай, эски ҳолатини мутлоқлаштириш, эски қолипларда қолишга мойиллик, шу жумладан, турли одатлар таъсири натижасида янгиликларга, турмуш тарзини ўзгартиришга маълум даражада қаршилик кўрсатиш содир бўлади. Бу борада кекса авлод вакилларида ҳам маънавий бағрикенглик, тараққийпарварликка мойиллик кўникмаларини шакллантириш муаммолари эътибор талаб қиладиган долзарб муаммоларга айланади.

Шу боис, уларнинг анъанавий эътиқодини, шаънини эъзозлаган ҳолда, ёшлар ҳаётидаги ижобий янгилик-

ларга, ўзгаришларга қаршилик кўрсатмаслик кўникмаларини шакллантириш борасида барча чора-тадбирлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Абдулла Авлоний таъбирича, “кексалик ёшларга тўғаноқ эмас — суянчиқ, рақиб эмас — муаллим, бефарқ эмас — ҳамдард бўлиш демакдир”. Ушбу санъатга эга бўлиш — донолик, донишмандлик аломатидир. Шунинг унутмаслик керакки, кўп ҳолларда оилаларда вужудга келаятган қарама-қаршиликларни оқилона ҳал қилмаслик ёш оилаларнинг бузилишига, йигит-қизларнинг турли нопок йўлларга кириб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазият ўз навбатида жамият маънавиятига, авлодлараро мулоқот маданиятига салбий таъсир кўрсатади.

Кекса авлод анъанавий қадриятларининг ижобий салоҳияти — ёшлар учун муҳим маънавий хазинадир. Авлодлараро зиддиятларни бартараф этишда, ёшларнинг катталарга фақат ёши катталиги учун эмас, улар ҳаётининг ўзи бир мактаб Кексалар халқимизнинг юксак қадриятларини янги авлодга етказиб берувчилар бўлгани учун ҳам алоҳида ҳурматга сазоворлигини ёшларга уқтириб бориш аҳамиятлидир.

Жамиятни янгилашга, турли соҳаларни модернизациялашга интилар эканмиз, шунинг яхши тушуниб олиш керакки, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирмасдан бу вази-фаларни амалга ошириб бўлмайди. Мустақил фикрлаш қобилиятига эга шахс ахборотни, маълумотни ўзи саралаб, “истеъмол” қилади. Унга нисбатан ман қилиш амалиётидан

фойдаланиш ортиқча.

Демократик жамият тамойилларини ҳаётга жорий қилиш жараёнида ижтимоий муҳитнинг турли соҳаларида, шу жумладан, оила муҳитида ҳам шахс эркинликларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Оила муҳитини ушбу тамойил моҳияти жиҳатидан таҳлил қилар эканмиз, айниқса, оилада аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ҳолатларига дуч келишликни таъкидлашимиз жоиз. Бунда ёш келинлар қайноналар томонидан эркинликлари чекланиб, турли тазйиқларга дуч келишаётгани сир эмас.

Тазйиқлар остида ўқишни давом эттиролмаслик, севган касбидан воз кечиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Аёл эҳтиёжлари, ҳатто саломатлигига бефарқ қарашлар ҳам баъзи оилаларда одат тусини олган. Ушбу салбий ҳолатлар миллатимиз, жамиятимиз манфаатларига зид эканлигини тушунган ҳолда, ижтимоий ҳаётда аёлларнинг фаоллиги тўла таъминланишига эришиш давримиз, асримиз талабидир.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, эркинликларни адолат, меҳр-оқибат ва бошқа ахлоқий тамойилларга биноан рўёбга чиқаради ва аксинча, улардан фойдаланиш шахс — шахс, шахс — миллат, шахс — жамият, шахс — давлат муносабатларида ижтимоий ва шахсий муаммолар олиб келиши мумкин. Лекин демократияни мутлоқ эркинлик, яъни хоҳлаган ҳаракатни қилавериш, хоҳлаган гапни гапиравериш эркинлиги, деб тушуниш нотўғридир. Афсуски, оддий онг доирасида бундай тушуниш кўринишлари мавжудлиги

кўзга ташланмоқда. Бундай тушунчаларнинг тарқалиши умуминсоний юксак тамойиллар қадрсизланишига олиб келиши мумкин.

Демократия таълимотида эркинлик ўзга кишиларнинг манфаатларига зид ҳаракат қилмаслик, уларни ҳақорат қилмаслик, тинчлигини бузмаслик, молига, соғлиғига тажовуз қилмаслик, жамоа тартибини бузмаслик каби бир қанча талаблар билан чекланади. Ушбу тамойилларнинг амалга оширилиши жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда ҳар бир шахснинг ўзига ҳам боғлиқдир. Яъни, демократиянинг асл моҳияти — шахс оқилона эҳтиёжларининг қондирилиши, нормал соғлом турмуш тарзининг моддий ва маънавий, ҳуқуқий таъминланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдир.

Инсон ҳаётини, соғлигини олий қадрият, деб англаш, шаъни, эркинликларига тажовуз қилишга йўл қўймаслик, виждон амрига итоат қилиш, меҳр-оқибатга асосланган инсоний муносабатларни эъзозлаш каби демократик фуқаровий жамият тамойиллари миллий қадриятлар моҳиятан умуминсоний қадриятлар билан узвий боғлиқлигини намоён қилади.

Демак, ушбу қадриятлар индивидуал онг, тафаккур тарзига сингдирилгандагина шахс демократик тамойиллар моҳиятини ҳеч ҳам қаршиликсиз ўзлаштириб, ўз қадриятларига айлантиради.

*Гулсара ШЕРМАТОВА,
фалсафа фанлари доктори*

ЭРТАҚЛАР ламига сайр

“Народное слово” газетасининг 1995 йилги 3 октябр сонидида “Парижда Ўзбекистон мавзуидаги кўргазма” сарлавҳали ахборот босилган. Унда хабар берилишича, 28 сентябр куни “Флак” галереясида ўзбек рассоми Доимонинг “Шоирлар боғи” номли кўргазмаси очилган.

“Бундан икки йил аввал Парижда ташкил этилган кўргазмаси Албания, Бельгия, Гонгконг каби бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам мухлислар эътиборига ҳавола қилинди”, — дейилади хабарда, — “Мутахассислар, санъат шайдолари Доимонинг бетакрор истеъдодини юксак баҳолашди. Кўргазмага қўйилган йигирмадан ортиқ асарлар орасида “Наманганлик талабалар”, “Ака-укалар”, “Фар-ғона» «Ҳаёт дарахти”, “Самарқанд” картиналари ҳам бор. Бир туркум картиналарда ўзбек халқининг бой маданияти, ўзбек руҳияти, ўлка манзаралари ўз аксини топган”.


Буюк мусаввир Леонардо да Винчи, тасвирий санъат — поэзия, поэзия эса рангсиз тасвирий санъатдир, деган экан. Дарҳақиқат, маромига етказиб яратилган картина томошабинни

мўъжизалар оламига етаклаб кетади, ўзгача бир завқу шукуҳга ошно қилади. Ҳамма гап картина тилсимотларини ўқий билишдадир.

Кунлардан бир куни Доимо Раҳмонбекованинг 1993 йилда Париж шаҳрида нашр этилган каталоги қўлимга тушиб қолди. Доимо — бизнинг ҳамюртимиз. Тошкентда таваллуд топган. 1989 йилдан бери Францияда истиқомат қилмоқда. Эштишимизга қараганда, бу ўзбек мусаввири Европада ниҳоятда машҳур экан.

У ҳақда таниқли француз санъатшуноси Фредерик Ферни шундай деб ёзади: “Доимонинг соҳибқиронларни аллалаб муло-йим қилиб қўядиган иқтидорлари бор. Унинг мўйқалами билан Тарас Бульба Мадам Батерфлайга ўхшатилади. Атир-упа сепиб, муҳаббат ва майинликка чулғаниб, қўлига бола кўтарган ҳолда у аёлга айлантирилади. Кўринадик, Доимода озроқ сеҳргарлик мавжуд”.

Ҳақиқий санъаткор воқеликни шунчаки тасвирламайди, балки, воқеликнинг ўзи билан баҳсга киришади. Олам ичида ўзининг микрооламини яратади. Бунини тушунмаган кишилар эса “мавҳум” дея баҳолайдилар. Шу сабабдан ҳам буюк рассомларнинг тан оли-



ниши узоқ вақт талаб этади.

Мен Доимо мўйқаламига мансуб каталогни қўлга оларканман, бир зумда реал дунёдан узилгандай бўлдим. Ф.Ферни таъбири билан айтганда “расмлар бизга узоқ ва номсиз бир ўлка, сокин дарёларга оқайтган, кенгликларни суғораётган, уйқудаги ҳамда ҳар нарсанинг устидан ҳукмронлик ўрнатган вақт ҳақида сўйлайди”.

Бу олам — Доимонинг ўз олами. Гўёки Доимо вақт чегараларини бузиб ўтаётгандек.

Доимонинг асарларини кўздан кечираётимиз, ушбу ўзбек рассоми, шартли равишда айтиладиган бўлсак, жаҳон тасвирий санъати пойтахти саналмиш Парижда қандай тан олинди экан, деган хаёлларга борамиз. Французлар унча-мунча картиналарга қиё боқишмайди-да ахир!

Бизнингча, Д.Раҳмонбекова жаҳон тасвирий санъати маданиятини жуда чуқур ўзлаштирган. Унинг усулларида Шарқ ва Ғарб эстетик қарашлари ўзаро уйғунлашиб, қоришиб кетади. Бинобарин, вақт

сарҳадлари хаёлан бузилгач, замонлар ўзаро қўшилади.

Византия икона санъатининг акси, Пол Гоген мўйқаламига мансуб ёрқин жилолар, Шарқ эртақларига хос сирлик Доимо нуқтаи назарида бирлашади, яхлитлашади. Айтиши мумкинки, у модерн ўнашлишининг вакиласидир.

У яратган образларни Уста Мўмин образларига ўхшатишди. Лекин бу юзаки қараш. Эҳтимол, бир қарашда шундай туюлиши мумкин. Аммо, астойдил разм солсангиз, Доимонинг образлари бўлакча дунё эканлиги ойдинлашади. Масалан, “Бедана ва атиргул” картинасидаги йигит сиймосини олайлик. Унинг қиёфаси Франциянинг XII асрига дахлдор ҳайкалчаларни эслатади.

Рассом бошқа-бошқа миллат маданиятларини туташтиради, асрлар чегарасини бузади ва шу баробарида санъат ошуфталарига ўз асарини — бетакрор картинасини нафис шаклда тортиқ қилади. Ўта нафислик, ранг танлашдаги нозиктаъблик Доимо картиналари қадрини оширган

омилдир.

Унинг картиналарида Шарққа хос сирлик, ғира-ширалик бор. Ранг жилолари, ҳар битта чизги томошабини сеҳрлаб, узоқ вақтгача “ушлаб туради”. Яъни “Осиё унинг тушига киради”, “Европа... орзусига айланади”. Ким билсин, Доимо ўз асарларини яратаётганида туғилиб ўсган ўлкасини хотирлар, балки боласига алла айтаётимиз, ўз юртида эшитган Шарқ эртақларини эслар... Умуман олганда, реал ҳаёт ва ҳамда хаёлот дунёси мўйқалам воситасида ипакдек эшилиб келади.

Алалхусус, бир ўзбек қизи рассом сифатида Европа миқёсида танилганининг ўзи қувончли ҳол. Биз ҳамюртимиз Доимо Раҳмонбекова аста-секин санъат чўққиларини забт этаётганини кўриб турибмиз. Бу эса нафақат бир рассомнинг, балки ўзбек мусаввирчилигининг ютуғидир.

Нилуфар ҲИДОЯТОВА,
рассом



Нурмуҳаммад Оқсоқолов Янгийўл шаҳар Мустақиллик маҳалласидаги Анбар Отин кўчасида истиқомат қилади. У маҳалланинг фидойи инсонларидан. Н.Оқсоқолов узоқ йиллар Янгийўл Консерва заводида меҳнат қилиб, нафақага чиқди. Рафиқаси Умида Оқсоқолова ҳам меҳнат фахрийси. Уларнинг 4 ўғил ва 4 қизи бор. Эндиликда улар набиралар даврасида бахтли кексалик гаштини суришмоқда.

Суратда: Оқсоқоловлар оиласи Хусанбой АББАЛОВ олган сурат



Кореянинг узоқ мозийдан ҳикоя қилувчи “Денгиз ҳукмдори” кино сериалида бош қаҳрамон Жанг Богонинг рақиби Юм Янгни, “Жумонг” сериалида Жумонг образини талқин этган Сонг Ил Гук нафақат ўз мамлакатида, бутун Осиёда оламшумул шуҳратга сазовор бўлди. Шу фильмларда ўйнаган роллари учун 2005 йили Кореяда “Йилнинг энг яхши актёри”, деб топилди. Қаҳрамонимиз оиласини яқиндан билганлар Сонг Гукнинг бундай даражага эришишида онаси Ким Ёл Донгнинг хизматлари беқиёслигини айтишади. Чунки Ким хоним Кореянинг яқин ўтмишдаги машҳур ва обрўли актрисаларидан бири ҳисобланади. Аслида-чи? 1971 йилнинг 1 октябрида таваллуд топган Сонг Ил Гук дастлаб бошқа касбни эгаллашга аҳд қилганди. Кореялик журналистнинг у билан қилган суҳбати ҳам айнан шу мавзуда.

— Тасвирий санъатга ошурфта кўнгил қандай қилиб актёрликни танлади?

— Кўпчилик болалигиданоқ санъаткор бўлишни орзу қилади. Бунда истеъдоднинг ўрни катта. Лекин ҳамма ҳам бу соҳада муваффақиятга эриша олмайди. Билмадим, мен ёшлигимдан расм чизишни ёқтирганман. Фақат ёқтиришгина эмас, балки чизган суратларимда гўзалликни тасвирлаш

олий мақсадим эди. Афсуски, Корея университетларида саҳна тасвирий санъати бўйича таълим берилмайди. Шу боис, ўз орзуларимни рўёбга чиқариш учун Америкада таҳсил олишимга тўғри келди. Океанорти мамлакатидан қайтгач, бир муддат ишсиз юрдим. Онам болалигимдан мени ҳеч бекор қолдирмасди. Шу боис, ўзига шахсий ҳайдовчи қилиб олдилар. Шундай кунларнинг бирида онамнинг яқин таниш режиссёри “Нигохларингда юлдузликни кўряпман. Бу соҳада ўзингни бир синаб кўргин”, деб маслаҳат бердилар. Шу тариқа Ченгжу университетининг актёрлик бўлимига имтиҳон топширдим. Ишонинг, бундай йўл тутишимни барчадан, ҳатто онамдан ҳам сир тутганман. Негаки, онамни ҳамма танийди. Шу боис, университетдагилар Ким хонимнинг фарзанди экан, дея имтиҳон олмасдан ўқишга қабул қилишлари ҳеч гап эмас эди. Ўқишга онамнинг топган обрў-эътибори билан эмас, ўзимнинг истеъдодим ва билимим билан киришни лозим топгандим.

— Онангиз актёр бўлиш истагингизга қарши чиқмадиларми?

— Дастлаб онамга ҳайдовчилик қилиш билан бир қаторда яширинча ишлаб юрдим. Яратаётган образларим бўш

чиқса, онам ранжийдилар, деган ўйда ролларимни сир сақлаганман. Барибир, онам мени зимдан кузатган эканлар. Бир куни олдиларига чақириб, аввалига яширинча иш тутганим учун дакки бердилар. Кейин болалигимдан қилган насиҳатини яна қайтардилар: “Кимнинг фарзанди ва ким бўлишингдан қатъи назар камтарин бўл”.

— “Жумонг”дан олдин “Денгиз ҳукмдори”да роль ижро этгандингиз. Адашмасам, “Денгиз ҳукмдори”даги Юм Янг образи илк катта ролингиз бўлса керак...

— Ҳа, шундай. Аслида, Юм Янгга иккита номзод бор эди. Танловга келганимда, бу образни мендан кўра тажрибалироқ Хан Жей Сукка беришса керак, деб ўйлагандим. Бироқ маълум сабабларга кўра, бу образни мен ижро этадиган бўлдим.

— “Денгиз ҳукмдори”да ҳам, “Жумонг”да ҳам қадимий жанговор санъат турлари — камонбозлик, қиличбозлик саҳналари бор. Бу бўйича малакага эгамидингиз?

— Камондан ўқ отиш мен учун ёт эмас. Чунки ҳарбий бўлишга болалиқдан қизиққанман. Жанговор санъат турларини ўргатувчи тўғарақка қатнашганим тарихий фильмларда роль ўйнаганимда қўл келди.

— Барибир, қандайдир мураккабликларга дуч келгандирсиз?

— От чоптираётиб, камондан ўқ узишим керак бўлган саҳналарда анча қийналдим. Бундан ташқари, бир-бирдан ўта хавфли т рюклар, жанг саҳналари шу қадар кўп эдики, ортга боқиб, “буларни қандай бажардим экан-а?”, дейман ўз-ўзимга. Энг қизиги, камонбозлар беллашувида кўзим боғланган ҳолда нишонни тўғри олишимга ишонмагандим. Бироқ бу кадрни биринчи уринишдаёқ бажара олдим.

— Икки фильм — “Денгиз

хукмдори” ва “Жумонг”ни таққослаганда, қайси бирида қахрамонингизни яратиш қийин келди?

— “Денгиз хукмдори”даги образимни бир қарасангиз, кўзлари нафратга тўла, бир қарасангиз бутунлай бошқа инсонга айланганига гувоҳ бўласиз. Унинг ҳам қалби меҳрга ташна. Шу икки жараённи кўзларимда акс эттириш учун анча тер тўкишимга тўғри келди. Табиатан, мен анча юмшоқ феъл эгасиман. Шунинг учун нафратимни, кўзимга қон тўлган вазиятларни яратишим учун режиссёрдан кўп дакки эшитдим.

— Актёр сифатида юқори поғоналарга кўтарилганингиздан кейин онангиз қандай муносабат билдирди?

— Бирор ютуққа эришсам, онам мени кўкларга кўтаради ва шу муносабат билан худди ёш боладай эркалатиб, ўйинчоқлар олиб беради. Иккала сериалдаги ижроим ҳам онажонимга маъқул келди, бундан беҳад хурсандман.

— Машҳурликка эришгач, ҳаётингизда ўзгаришлар рўй берганини сездингизми?

— Ҳаётим бир оз ўзгарди. Оддий инсон сифатида номим бутун дунёга машҳур бўлди.

Лекин ишонинг, мен машҳурликка эришишни кўзлаб актёр бўлмаганман. Ҳозир ҳаловатим йўқолган. Қаерга бормай, бир зумда атрофимни мухлислар ўраб олишади. Улар орасида ўзимни ноқулай сезаман. Ён-атрофдагилардан қанчалик беркинишга ҳаракат қилмай, бунинг иложини тополмаяпман. Ҳар доим одамлар эътиборида бўлиш осон эмас.

— Дарвоқе, журналистлардан ҳам ўзингизни олиб қочасиз. Ҳатто, матбуотда чиқиш қилиб, тўйингизни бир ойга кечиктирилганини айтдингиз.

Бироқ никоҳ оқшомингиз ўз вақтида ўтказилди. “Алдаш”дан мақсад журналистларни чалғитиш эдимиз?

— Шундай деса ҳам бўлади. Шов-шувга ҳушим йўқ. Шунинг учун никоҳ кечасини журналистлар ёзганидай “Беш юлдузли” ресторанда эмас, Сеул меҳмонхонасида ўтказдим.

— Келажакда қандай актёр сифатида эслашларини истайсиз?

— Мени ҳурматга лойиқ инсон ва санъаткор, деб эсга олишларини хоҳлардим.

Дилмурод ПАРШИЕВ
тайёрлади.



Жаҳон санъати сингари куйловчи актёрни тарбиялаш мактабига республикамизда йилдан-йилга эътибор ортиб бормоқда. Бунга театрларимизда муваффақият билан ўтган барча мусиқали драма ва опера спектакллари, Ўзбекистон ва бошқа қўшни республикаларда ҳам, Европа мамлакатларида ўтган вокал танловларида ҳам бизнинг хонандаларимиз юксак ўринларга ва лауреатлик унвонларига эга бўлганликлари,

ниҳоят, мусиқали театрларимиз истеъдодли ёш актёрлар ҳисобига бойиётгани бунинг исботидир.

Бугун биз мана шу ютуқларга сабабчи бўлган куйловчи актёрнинг мактаблари ҳақида гап очмоқчимиз. Бу мактабнинг ҳаётини ҳақиқат тамойили, табиий хатти-ҳаракат, олий мақсад ва тимсолда гавдалантириш ўйлаб топилган нарсалар эмас. Улар бари ҳаётнинг ўзидан, табиатнинг объектив қонунларидан олинган. Ушбу мактаб инсон ҳаётидаги

жисмоний ва руҳий бирликка асосланган изчил таълимотни, актёрнинг саҳнадаги табиий ҳаёти объектив қонунларини яратди, ижодий жараёнга йўналган услуб ва йўлларини ишлаб чиқди.

Куйловчи актёр тарбиялаш мактабининг энг муҳим жиҳати табиий хатти-ҳаракат, актёрнинг мақсади ва олий мақсади ҳақидаги фикрдир. Бу таълимотнинг биринчи талаби мантиқий ва изчил фикрлаш, интилиш, хоҳиш ва хатти-ҳаракатдир. Куйловчи

КУЙЛОВЧИ АКТЁР

актёр мактаби — актёрлар техникасининг назарий хулосалари эмас, балки катта актёрларнинг ижодларини, уларнинг тажрибалари ва инсоннинг хулқ-атворини кузатишнинг натижасидир. Куйловчи актёр зарурияти давр тақозоси билан пайдо бўлди. Жаҳон киночилигида у аллақачон ўз ўрнини топгандир.

Куйловчи актёрнинг шаклланишида илмий ва педагогик таълимот катта аҳамиятга эга. Агар куйловчи актёр шу таълимот асосида тарбияланган бўлса, унда қўшиқдаги ютуқлари авваламбор, актёрлик маҳоратининг ютуқлари ҳисобланади: у сахнада табиий яшайди, уни ҳеч нарса ижодий жараёндан чалғитмайди, вужуди ортиқча сиқикликдан озод бўлади. Қолаверса, актёр ва хонанданинг вазифаларини сунъий равишда ажратиш фақат зиён келтиради. Актёрлик маҳоратининг методик машқлари хонанда билан актёрни табиий бирлаштиришга ёрдам беради. Агар талаба ёмон хонанда бўлса, у ёмон актёр ҳам. Агарда у ёмон актёр бўлса, у хонандаларга бугун қўйилган талабларга жавоб беролмайди. Табиий ҳаётнинг куйда, пластикада, сўзда, сахна хатти-ҳаракати бирлигида бўлиши куйловчи актёрлар учун муҳим шартдир. Шундай қилиб, талаба тафаккурдан хонандалик ва актёрлик маҳорати иккита фарқли бир-бири билан қўшилмайдиган ўқув фанлари экан, деган фикрлар батамом олиб ташланиши лозим.

Муסיқали театрда куйловчи актёр, авваламбор, драматургиянинг барча шарт-шароитларида комплекс хатти-ҳаракат қилувчи шахсдир. Товуш, нафас, унинг бўёқлари, жумлаларнинг оҳанглари, ўзидан-ўзи, ҳеч бир асосиз бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир нота, муסיқали жумла бастакор томонидан маълум бир мақсадда ёзилган. Ижронинг характери, бадиий услуги мана шу мақсад орқали очилиши керак.

Айнан ижродаги маънолилик бадиийликнинг белгисидир.

Муסיқали театр инсоннинг қалб туйғуларини очиш вазифасини овозга юклайди. Бастакорнинг ғояларини амалга оширувчи биринчи ва асосий восита — овоздир. Саҳна хатти-ҳаракати куйловчи актёрнинг ифода воситалари комплексида очилади.

Эски муסיқали театрда актёр белгиланган ишора билан газаб ёки муҳаббат, даҳшат ёки шодлик каби туйғуларни ифодаларди. У сахнада шунчаки ҳаракат қилар эди. Хатти-ҳаракатларида эса туйғунинг ҳақиқийлиги, ҳаққонийлик йўқ эди. Буларнинг ҳаммаси муסיқали театрда фақат куйлаш муҳим бўлганлигидан келиб чиққан.

Замонавий муסיқали театр ўз таркибига куйлашдан ташқари драматик театрнинг ҳамма ютуқларини ҳам киритди. Муסיқали спектаклда актёрлик ижроси куйлашга қўшимча эмас. Бу актёрнинг сахнада яшаш шакли бўлиб, бунда куйлаш берилган хатти-ҳаракатнинг жонли оқимига айланади.

Куйлаш табиий жараён бўлиб, инсоннинг нормал руҳий-жисмоний ҳолатида кечиши мумкин. Муסיқа куйловчидан товушнинг равон жаранглаши, залнинг ҳар бир жойида эшитилишини талаб қилиши билан бирга, куйловчи усулни сақлаган ҳолда ижро этишини, ўз вақтида бошлаш ва оркестрдан ажралмасликни ҳам талаб қилади.

Куйловчи актёр нафақат хонанда ижросининг талабларини, балки сахна талабларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Саҳна талаблари эса актёрдан эркин ҳаракат қилишни, қулай ва ноқулай бўлган турли ҳолатларда куйлашни, дирижёр билан эмас, ҳамкор билан муомалада бўлишни, хатти-ҳаракатларнинг


нафас олиш учун қулайлигига эмас, балки мантиқий бўлишига эришишни талаб қилади.

Муסיқа билан ҳисоблашмай, хатти-ҳаракатларини мантиқ ва ҳақиқатга бўйсундирган актёрга бу талабларни бажариш осон бўлади. Лекин бу ҳолда актёр куйловчи бўлолмайди ва унинг товуши нотекис, тембри ҳар хил бўлиб, оркестрдан ажралиб қолади. Актёр ва куйловчининг ўртасида қарама-қаршилиқ туғилади. Бунинг бартараф этиш мумкинми? Шубҳасиз, мумкин. Вокал-сахна ҳаракати айнан шунга қаратилган. Куйловчи актёр муסיқани деб, сахна ҳақиқатидан, сахна ҳақиқати деб муסיқадан воз кеча олмайди, аксинча, уларни табиий равишда бир-бирига уйғунлаштирсангина, ҳақиқий вокал-сахна тимсоли пайдо бўлади. Бунда муסיқа ва сахна бир-бирига ҳалақит бермайди, балки бир-бирини кучайтиради, тўлдирари.

Гулшан МУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Давлат
Консерваторияси профессори



ТУХРАСИ



МУСАЛЛАМБОНУ

Яшаятман. . .

Мен дунёга келмадим ҳали,
Тушларимда ҳаётлигим рост.
Кипригимда кўтариб ойни
Яшаятман дарахтларга хос.

Мен дунёга келмадим ҳали,
Сўз денгизин ҳомиласиман.
Тўлғоғимдан уйғонар замин,
Мен озодлик ҳосиласиман.

* * *

Ўлдирсанг, ўлдиргил, аё, май ичгум,
Сенинг ишванг гўзал — худудсиз
жилва.

Билмам, қай жилвангга яратдинг
мени
Жилванг аро ўзни буткул
унутдим.



Шинилаётман одам

Само ва ер оралигида,
Кетиб борар бир далли - дарвиш.
Тор дунёни парча - парчалаб,
У кенгликни тинглаётган қуш.

Сукут ичра ҳайқириқлари,
Ошиқлигин этар яланғоч.
Шашти тўлқин, шашти денгиздай,
Озод руҳнинг товушидир бу.

* * *

Бугун узоқ ўй сурдим
иккимиз ҳақда
яқинлашганимиз сайин
олислашиб кетаётганимиз ҳақда

Бир марта эмас
юз бор қайта
туғилганда ҳам
етиб бўлмас дийдор ҳақида

* * *

Энди у ерларга боролмайман ҳеч,
Йўлақлар, бекатлар бари бегона.
Йўлимни пойлаган хаёли нотинч,
Мени эслармикан, лоақал бир кеч.

Энди у ерларга боролмайман ҳеч,
Унутган, унутди кўкдаги ой ҳам.
Хазонрез боғларда ўйчан ва ёлғиз,
Тамаки тутатар нотаниш одам.

* * *

Юрагимни ғижимлаб,
танамга сингиб кетаётган
оғриқлар бунчалар гўзалсиз.

* * *

Беҳузур муҳитдан толиқиб
ўзимни боққа урдим
йўлимга пешвоз чиқди
бир гала чумчуқлар
чуғур-чуғурлаб
“уф-ф-ф” тортиб юборди
булбул сасини соғинган
Юрак.

ОЙДИННИСО

* * *

Овозингни титдим бу кеча,
Кўзларингда тинмай изғидим.



Сени сендан излаб тонггача
Юрагинга минг бор шўнғидим.
Пайпасладим руҳингни узоқ,
Вужудингни силтаблар кўрдим.
Тўкилмадинг ўзингдан бироқ,
Ҳар тарафга зир-зир югурдим.

Туни бўйи сенга термулиб,
Сенсизликдан толиқди кўзим.
Сени сендан излаб топмадим,
Энди қайдан топай, азизим?

* * *

Менсиз отган тонгингни яшир,
Яшир менсиз босган йўлингни.
Рўё дегин, алда, ишонтир,
Бу кеч пинҳон узган гулингни.

Менга мени алдашиб юбор,
Кўзларимга термулиб ҳақдай.
У гул кўнглинг оғритса агар
Мени қучиб йиғлагин атай.

Мени қучиб яйрагин, қувон,
Маст бўлганда гул ифоридан.
Ногоҳ кўнглинг титкилаб қолсам,
Утма ёлғонларнинг бахридан.

Менсиз туйган бахтингни яшир,
Яшир менсиз тўккан кўз ёшинг.
Алда мени, алда, ишонтир,
Гулдай очилайин, кўёшим.

* * *

Шамол — адашган аёл.

Ҳар тун йўлга чиқар
муҳаббат излаб.

Яйдоқ хаёл бўйлаб
изғиб юради.

Лоақал бир лаҳза
яшашни кўзлаб,

Ҳар кўнгилга
бош суқиб кўради.

* * *

Мен оғир ботяпман ўзимга,
Малол келаяпти кулишим.
Қарагим келмайди юзимга,
Жонга тегди ҳар кун ўлишим.

Мана, юз ўғирдим ўзимдан,
Энди мен меники эмасман.
Йўқотингиз мени кўзимдан,
Олиб кетинг ўзингиз билан!
Олиб кетинг ўзингиз билан!

* * *

Ер эдим,
осмонга чирмайдим,
Осмон эдим,
йиқилдим ерга.
Ҳар кетганнинг
ортдан эргашдим,
Қачон етаман сенга?

Ўз умримга
чап бериб келдим,
Яшаб — яшамадим,
ўлиб — ўлмадим.
Охири,
охири бағринга тўлдим.
Аммо юрагинга тўлмадим.

Сен тараф қоронги,
жуда қоронги,
Кўринмайди
йўлнинг қолгани.
Айт-чи,
орамиз ҳали узоқми,
Юракнинг энг яқин одами?!

ОЛЬГА ПАНИНА

Киёкина япон боғи

(Хокку услубида)

* * *

Қўлимда чўмилар офтоб шуъласи
Ари гўнғиллайди гул ёноғида
Ёз.

* * *

Жазирама.
Ниначи ҳайратга чўмади.
Тол сочини чаяр дарёда.

* * *

Кўлга аксин ташлар булутлар.
Диққинафас кун.
Гўнғиллайди арилар фақат.

* * *

Қадаҳдаги шаробда
Мудраяпти тоғ.
Намозшом нафас олар муҳаббат
билан.

* * *

Оқшом
Чиройли суҳбатлар.
Орамизда ярқирак капалак ёғдулари.

* * *

Арфа осмонига тегинди шамол
Қушлар жим қолишди.
Куйлай бошлади ёмғир.



Баҳор

Баҳор осмонидан гул исси келар,
Ёмғир ва майинлик ҳидлари.
Қизғини ҳамда настарин тусли
Томчиларни осиб қимирлатаман,
Офтобни мадорсиз чорлайман:
Кўёшим, сен тезроқ чиқа қол,
Шодлик жарангига тўлдир, дунёни!

Майсазор

Бу нотинч олам,
Мавҳум коинот!

Учоқлар ва поездлар,
Чумоли уяси — шаҳарлар...
Чекинаман майсазор томон,
Майсалар куйлаган қирғоқлар
Дарёлар паришон,
Ғарамлар булутлар тўпига монанд.
Парвонанинг сирли ёғдуси
Кўлларимга тегар оҳиста...



Орзу ойнаси

Ойна акс этишдан чарчади,
Кўрганлари шуъла кўзида.
Вақтни яна ортага ҳайдади,
Ярқироқ тўлқинлар — феруза.

Қайрилди мағрур қайиқлар
Олиси ўлка қўлтиқларида,
Шамдонларда каштан ёқилар,
Атиргул қирмизи бўёқларида.

Шаффоф ойнанинг туби-тубида
Қанотчалар ялтиллаб кетар,
Кема тўлқинларин кўтарилишида
Гитаранинг қўшиғи оқар.


Намозшомги боғни тингладим,
Яхлаб қолган қорамтир ҳовуз,
Ёниб бўлган тилла кунботар...
Кўзгу қайга чорлайди ҳануз?

Денгиз йиғиноғи


Денгиз чиғаноғи менинг қўлимда,
Скрипка калитига ўхшаб кетасан,
Қулоқ ва зийраклик белгиларида.
Ҳар аср нафасинг:
Сен сукунат ва тушларни эшита
оласан,
Кўз ёш ва кулгунинг сочмаларини
Башорат қиласан,
Бошлайсан оёқ изи бўлмаган йўлга.

Сенда — эрк шитири,
Вақт ўлчамлари нафас олишга,
Эшитасан, у сени тингла,
Сезасан борлиқнинг томир уришин,
Куйлайсан, то бошинг айлангунича.

Гўзал БЕГИМ таржималари



ЭЗГУЛИК ҚҰРИҚЛОВЧИСИ



Суруш тимсоли тасаввуф таълимотида кенг қўлланилгани, мистик адабиётда муршиди комил ёки кўпинча Жабройил фариштаси муқобили сифатида ишлатилганлиги мумтоз адабиётимиз ва ўрта асрлардаги фалсафий-ирфоний қарашларга бағишланган тадқиқотларда кўп зикр этилган. Бу тимсолнинг этногенези аслида, жуда қадимги даврларга бориб тақалишини кўпчилик билмаса керак. Шу сабабдан, Суруш тимсолининг фалсафий-тарихий асосларини аниқлашда қадимги давр ёзма ёдгорликлари, айниқса, муҳташам “Авесто” муҳим рол ўйнашини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур.

Суруш “Авесто”да Сраоша тарзида қўлланилган бўлиб, тингламоқ, эшитмоқ, итоаткорлик, бўйсунмоқ маъноларини англатади. Маздапарастлик динида Суруш, асосан парҳезкор, пок, эзгу, яхшилиқни тақдирловчи, қудратли, қўрқмас, даҳшатли уруш қуроллари соҳиби, Аҳура Мазда яратган азизларнинг бири сифатида зикр этилади.

“Авесто”да Суруш номи кўп ўринларда Мехр, Рашн каби илоҳлар билан ёнма-ён келтирилади. Жумладан, “Арт яшт”да илоҳа Ашага дейилади:

Улуғ отанг Илоҳлар ичра

*Энг улуғ Илоҳ
Аҳура Маздадир.
Волиданг — Армаитий Спинта,
Оғаларинг жасур Сраҳош (Суруш)
Рашну, Митра тақводорларким
Яйловлари ҳад-ҳудудсиздир,
Нигоҳлари мингдир, тумандир,
Қулоқлари мингдир уларнинг...*

Абу Райҳон Берунийнинг қайд қилишича, шамсий ойнинг ўн еттинчи кунини Суруш номи билан юритилган. Бу кун муборак кунлардан ҳисобланиб, ушбу кун сеҳргарлар душмани томонидан қўриқлангани боис сеҳру жоду амал қилмас экан. Ибодат қилиш, қарз бериш, қарз олиш ва келишмовчиликлардан эҳтиёт бўлиш ушбу куннинг асосий хусусиятлари ҳисобланган. Ажал фариштаси ҳам шу кунда яратилган, деган қарашлар ҳам мавжуд. Шу сабабдан бўлса керак, Яснадаги 57-ҳот (Тун боши Суруш яшт)ни яқин кишининг ўлиmidан уч кун ўтгунча ҳамда ҳар кеча уйқудан олдин ўқиш тавсия этилган. Чунки “оламларга кенглик бағишловчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат қудратли ва парҳезкор” сифатлари билан олқишланган Суруш ушбу ҳотнинг еттинчи бўлимида айтилгани каби “Сипандминйу ва Аҳриман қўллари билан яхшилиқ ва ёмонлик яратилганидан кейин

тин олмади, ухламади. У Ашаҳ — Ҳақиқат оламини қўриқлади.” Уйқу — зардуштийлик динида гафлат ва қоронғулик тимсоли, ўлим даракчиси. Айнан уйқу пайтида ёвуз кучлар одамлар қалбига қоронғулик ва ёвузлик уругини сочиши мумкин. Суруш эса, ана шу ёвузликнинг олдини олувчи, эзгулик қўриқловчисидир. Яқин кишининг ўлиmidан уч кун ўтгунча ушбу дуо ўқилиши сабаби ҳам “Авесто”нинг ўзида мавжуд. XXII яштда Зардушт Аҳура Маздадан тақводор киши ўлганидан кейин уч кун мобайнида унинг жони қаерда бўлади, деб сўрайди. Аҳура Мазда жавобига кўра, жон одам бошининг атрофида бўлади. Демак, уч кун давомида ўқилган дуо ўлган одамнинг жони ором топиши илинжида ўқиларкан.

Қайд қилганимиздек, Суруш тасаввуф таълимотида энг кўп қўлланилган тимсоллардан бири. Бунга ҳам “Авесто” қайсидир маънода манба вазифасини ўтагани эҳтимолини “Суруш яшт ҳодухт” қувватлантиради. Ушбу мансур яштда Суруш “дарвишларни ҳаммадан кўра ўз паноҳида сақлайди”, “У дин ўргатувчидир, ашаван Аҳура Мазданинг ўзи унга дин таълимини берди”, дея тавсифланади. Бу-

лар эса, аста-секин мистик адабиётнинг таркибий қисмига айланиб бориб, Суруш пири комил, ғайбдан мадад бергувчи зот сиймосини касб этган.

Сурушга нисбат берилган алқовларнинг бошқа маъбудларникидан фарқланувчи бир неча жиҳатлари бор. У биринчи бўлиб, ибодат чоғида ҳамда овқатланиш пайтида “уч новдали, беш новдали, тўққиз новдали барсани тиззага қадар, оёқнинг тенг ярмига қадар” ёйиш удумини жорий этган зот ҳамда “буюк дин мураббийси — устоди” сифатида “Тун боши Суруш яшт”да тавсифланган. Маълум бўладики, инсон ва табиат боғлиқлигининг рамзий ифодаси бўлган барсам удуми айнан Сурушга нисбат бериларкан. Суруш — ибодат ва парҳезкорлик рамзи. Шу сабабдан унинг номи билан боғлиқ бўлган барча дуоларда “парҳезкорлик” сифати унинг ажралмас қисми бўлиб келган.

Сурушнинг ташқи кўриши ва жисмоний қудратини тавсифловчи алқовлар алоҳида

аҳамиятга эга. Жумладан, “Тун боши Суруш яшт”нинг олтинчи бўлимида у “ёшлар сафида энг навқирон; барчадан қудратли; қўрқмас ва баҳодир; девларга даҳшат солгувчи” дея олқишланади. Маълум бўладики, зардуштийликда қудратлилик, жасорат, баҳодирлик, шижоат билан бир қаторда ҳар нечук билимдан огоҳ бўлиш, билимлилик, эзгулик ҳимоячиси ва қўриқчиси бўлиш каби эзгу фазилатлар ёшлар учун муҳим хусусият саналган. Шунингдек, “Суруш ҳодухт яшт”да ҳам “У икки мийну — Сипандминий ва Анарминий — яратилганидан буён ухлаган эмас ва Ашаҳ — Ҳақиқат оламини асраб келмоқда”, дейилган. Демак, тун бўйи Ашаҳ-Ҳақиқат оламини асрамоқ ҳам Сурушга хос бўлган асосий фазилатлардан ҳисобланаркан. Умуман олганда, диний матнларда маъбудларнинг асосий хусусиятлари қайта-қайта зикр этилиши ва ургу берилиши улар муҳимлигини белгилаб берувчи мезонлардан ҳисобланади.

Ҳақиқат ва ёлгон, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро кураши тарихда қолиб кетган ҳодиса эмас. Балки у одамларнинг қалби ва онгида, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида турли кўринишларда намоён бўлаётир. Ана шу курашда яхшилик тантанаси ва эзгулик ғолиблигини таъминлаш маънавий қудрат, рағбат, руҳий даъваткорликка катта эҳтиёж сезади. Шу туйғулар “Авесто”да зикр этилган илоҳ ва фаришталарнинг вазифалари, хатти-ҳаракати, сифатлари, бир-биридан фарқлари ва ушбу илоҳлар воситасида тараннум этилган эзгу фазилатларни тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш маънавий юксалишга, баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшажак, деган фикрдамиз.

**Шерзод ЖҶРАЕВ,
Тошкент Давлат
Шарқшунослик институти
ўқитувчиси**




Каромат Усмонова Ўрта-Чирчиқ туманидаги Муқимий маҳалласига қарашли Баҳор кўчасида жойлашган 45 хонадонда иқтиқомат қилади. Унинг оиласи маҳалладаги энг обрўли хонадонлардан. Онахон Тошкент Тиббиёт институтини тугатиб, узоқ йиллар ўз соҳаси бўйича қизгин фаолият юритган. Ҳозир у нафақада. Онахон шўхшодон набиралари қуршовида кексалик гаштини сурмоқда.

**Суратда: Каромат она
фарзандлари билан.
Хусанбой АВВАЛОВ олган
сурат.**



Ўзбекистон Анъанавий Каратэ-до Федерацияси





Генерациясининг V Республика биринчилиги



Инсон гўзалликни идрок этмай ёки гўзалликка интилмай ҳаёт кечири олмайди. “Гўзаллик” ёки “нафосат” дунёси ўз ҳолича эмас, балки муайян дунёмизга бевосита боғлиқ ҳолда мавжуддир.

Қадим файласуфлар фикрича, бирор бир буюм ёки ҳодиса гўзаллигининг илк белгилари бу — яхлитлик, қисмларнинг мувофиқлигидадир. Аниқ бирлик, ҳамоҳанглик, ўхшашлик, компонентлар муштараклиги мавжуд бўлганда яхлитлик вужудга келади. Бунга кўра, бадиий бирлик ва яхлитликни яратишда зарур восита ритмдир. Ритм — бир хил ва монанд ҳодиса, элемент ва муносабатларнинг вақт ёки макондаги даврий такрорланиши ҳисобланади.

Чизиқли ритмга ўрта асрларга хос Варахша саройи деворларига ишланган суратлардаги фил

композиция қисмларини қарама-қарши қўйишга асосланган.

Композицион воситаларга колорит, ритм, пластика, симметрия киради. Уларнинг барчаси уйғунлашиб, етук мукамал натижага эришиш учун санаб ўтилган барча таркибий элементларнинг ўзига хос синтези лозим бўлади. Табиатдаги яхлитлик, симметрия ва ритм қоидалари ўзига хос объектив қонуниятлар ҳисобланади. Худди шу хусусиятларни санъат асарларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Яхлитлик асарнинг уйғунлиги, тугалланганлиги ва конструктив аниқлигини намоён қилади.

Маълумки, санъат борлиқни тўғридан-тўғри кўчириб олиб, тасвирламайди, аксинча уни бадиий қиёфалар воситасида ифодалайди. Шунга кўра санъат

туркумида тасвирий санъатнинг асосий мезонларидан ҳисобланмиш уйғунлик кучлидир. Рассом асарлари ҳаётни чуқур ҳис этишга мажбур қилади, чексиз фикрлар уммонига тортади.

Ориф Муинов асарлари рассомнинг дунёвий гўзалликка бўлган улкан муҳаббати билан томошабинларни мафтун этади. Инсоният тарихида аёллар гўзаллик ва тинчлик рамзи сифатида куйланиб келинишини яна бир бор исбот этади. Аёллар нафосати орқали гўзаллик идеалини ифодалаш ва тасвирий санъат воситаларининг нафис уйғунлигига эришилганини қуйидаги асарлари мисолида кўрамиз: “Биби-хоним”, “Хаёл”, “Келин”, “Нодирабегим”, “Қизим портрети”.

Акмал Нур асарларида эса

БЕШЛАКРОР ЗАВҚ МАНБАИ

устида туриб йиртқичлар билан жанг қилаётган чавандозлар сахнасини мисол келтириш мумкин.

Айтиш жоизки, олимлар томонидан ҳар қандай санъат асарларини ҳис қилишда зарур бўладиган гўзалликнинг доимий элементлари ишлаб чиқилган. Улар одатда, санъат назариясида ифода, бадиий ва композицион воситалар, хусусан, композицион нур ва соя, контраст, симметрия, нисбат, пластиклик, ритм, тоналик, динамика, масштаб (ҳажмлилик), архитектуроника, уйғунлик деб юритилади. Уларга амал қилган ҳолда эстетик батареяликка осон эришилиб санъатда юксак бадиий асарларни яратиш енгиллашади.

Бадиий воситалар — қалам-тасвир, ранг, нур ва соя, ҳажм, перспектива сингари асосий тушунчалардан иборат. Ифодавий воситалар эса — ранг, ритм, контраст, динамикадан ташкил топади. Композицион қонун яхлитлик, ўлчамлилик, мутаносиблик, ўзгариш, ҳамтобеълик,

асари инсонни фақат воқеликдаги гўзалликлар билан чекланмасликка, айна пайтда мавжуд гўзалликларни онгли тарзда мушоҳада қилишга, баҳолашга ундайди.

Воқеликни англашнинг маънавий устуворлигини турли хил ранг-тасвир йўналишлари орқали акс эттиришга интилаётган таниқли рассомлардан Аслиддин Исаев, Ориф Муинов, Акмал Нур асарларини мисол тариқасида келтирамиз.

Аслиддин Исаев ижоди ўзининг умумкайфияти билан ажралиб туради. Ўлкамиз тарихи, халқ турмуши, қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, қадимий меъморчилик обидаларининг нозик бўёқларда моҳирона кўрсатилиши рассом асарларидаги тимсолларни дунёга келтиради. У катта муҳаббат билан миллий турмуш анъаналарини тасвирлайди. “Бобокалонлар руҳи”, “Келинчак”, “Самарқанд”, “Оналик”, “Наврўз”га бағишланган асарлар

қаҳрамонлар қиёфалари чуқур хаёл, орзу-умидлар ҳамда оромбахш ақл-идрокка йўғрилгандир. “Ёлғиз парвоз”, “Оналик”, “Севги афсонаси”, “Муҳаббатнинг ойдin туни” асарларидаги покиза мовий ранглар, тилларанг-яшилтоб ранглар уйғунлашуви ҳамда нафис чизгилар, анор, балиқ каби рамзлар акси оламнинг гўзаллик дунёси қирраларини ёритади.

Уларнинг асарларида гўзаллик рассомнинг шахсий идеали орқали билангина эмас, балки ўзида халқ ҳаётининг муҳим бўлагини мужассам этганлиги, инсонларнинг тафаккури ва қалбига таъсир кўрсатиши билан белгиланади.

Ақл ва қалб ҳарорати маҳсули бўлган ранг-тасвир санъати нафақат кўз учун байрам, балки маънавий-эстетик ҳаётимизга насиб этган узлуксиз завқ манбаидир.

Дурдона АЗИЗОВА,
санъатшунос

Муҳаббат

Муҳаббат, бу — севилмоқни исташ демак.


ПЛАТОН

Муҳаббат ўзи нима? Муҳаббат, чақирилмаган меҳмонми ёки?..

Менинг фикримча, муҳаббат ёруғлик, иссиқлик, қувноқлик, яшаришдир. Яъни, баҳорий кайфият, баҳорнинг нафис ниҳоли, гулнинг майин иси ва мусаффо осмони, деб ўйлайман. Муҳаббат кўрмай, билмай қалбан топиб боради ва уни забт этади. Муҳаббат қалбан сеҳрланиш, уни ёқтириш, қаттиқ ҳурмат қилишдир. Муҳаббат — чақирилмаган меҳмон. Муҳаббат қалбнинг жўшқин оловидир. Муҳаббатнинг ширин сўзлари руҳан тетиклик, унинг изтироблари қалб тушкунлиги. Доноларимиз айтишади-ку, муҳаббат шохни гадо қилади, бағритошни меҳрли қилади. Ҳақиқий муҳаббат унга эришишда эмас, балки юракларда муҳрланиб қолишдир. Тагин билмадим... Мен кўрган ва эшитганларимдан хулоса чиқариб, шу фикрга келдимки, муҳаббат, баҳорда кўкариб, гуллаб турган нафис бир гулга ўхшайди.

*Ёзда севма, қуриб қолур,
Кузда севма, хазон бўлур,
Қишда севма, музлаб қолур,
Баҳорда сев, яшнаб кетур.*

Нигина ҚОДИРОВА



Ўрхон ПАМУҚ,
Нобел мукофоти совриндори

«Менинг исми — Қирмизи»

Романдан парча

МЕН ЎЛИКМАН

Мен энди ўликман, кудукнинг ичидаги бир жасад. Охирги бор нафас олганимга, юрагимнинг тўхтаганига кўп вақт бўлди. Бироқ олчоқ қотилмдан бошқа ҳеч ким бошимга нималар тушганини билмайди. У разил мени ўлдирганига тўла ишонч ҳосил қилиш учун аввал нафас олишимга, томиримнинг уришига қулоқ тутди, сўнгра кўксимга бир тепди-да кудукқа ташлади. Бироз олдин тош билан уриб синдирган бош чаноғим кудукқа тушаётганимда парча-парча бўлди, юзим, манглайим, ёноқларим эзилди, суякларим синди, оғзим қонга тўлди.

Тўрт кун бўлди уйга қайтмаганимга: хотиним, болаларим мени излаётган бўлсалар керак. Қизим юм-юм йиғлаб-йиғлаб боғ томонга кўз тикаётгандир: хаммасининг кўзи йўлда, эшикдадир.

Ҳақиқатан ҳам эшикдами, буни аниқ билмайман. Балки менинг йўқлигимга кўниккандирлар. Чунки инсон бу ерда экан, орқада қолдирган ҳаёти аввалгидек давом этаётгандек туюлади. Мен туғилмасдан олдин олдимда чексиз бир вақт бор эди. Мен ўлгандан кейин ҳам тугаб битмайдиган вақт! Ҳаёт эканман ҳеч ўйламасдим буларни: нур ичида яшардим, икки коронғу вақт оралиғида.

Бахтли эдим, бахтли эканман, энди англаяпман. Подшоҳимизнинг наққошхонасида энг яхши безак, тилла суви юритиш ишларини мен бажарардим ва менга тенг кела оладиган бошқа бир уста ҳам йўқ эди. Саройдан ташқарида қилган ишларимдан ойида тўққиз юз акча қўлимга тушарди. Булар ҳам, табиийки, ўлимимни муқаррар қилган.

Фақатгина нақш ва безак ишлари билан шуғулланардим: саҳифа четларини безар, ичи ва атрофларига рангли япроқлар, новдалар, гуллар, қушлар расмини чизардим. Бурама-бурама Чин усулли

булутлар, бир-бирига қалашиб кетган барг, рангли ўрмонлар ва унинг ичига яширинган жайлонлар, кўп эшакли катта кемалар, подшоҳлар, дарахтлар, саройлар, отлар, овчилар... Илгарилари баъзан бир лаган ичига нақш чизардим. Баъзан бир кўзгунинг орқасига, бир қошиқ ичига, баъзан бўғоз атрофидаги ҳашаматли бино ва қасрларнинг шифтига, баъзан бир сандиқнинг устига... Сўнги йилларда эса фақатгина китоб саҳифалари устида ишлаётган эдим, чунки подшоҳимиз нақшли китоблар учун кўп пул берар эди. Ўлимга дуч келгач, пулнинг ҳаётда ҳеч ҳам аҳамияти йўқлигини тушуниб етдим, демоқчи эмасман. Инсон ҳатто, тирик бўлмаган пайтда ҳам пулнинг қийматини билади.

Энди бу холимда, менинг овозимни эшитаётганингизга қараганда, бу мўъжиза олдида шундай хаёлларга боришингизни биламан: тириклигингда қанча пул топишингни кўй энди, бизга у ерда кўрганларингдан гапир, ўлимдан сўнг нима бор? Рухинг қаерда? Жаннат ва Жаҳаннам қандай? У ерда нималарни кўрмоқдасан? Ўлим ўзи нима экан? Жонинг қийналаяптими? Ҳақлисиз. Инсон ҳаёт экан, “у томон”да нималар бўлишига жуда ҳам қизиқишини биламан. Биргина шу қизиқиши сабабли, қонли жанг майдонларида жасадлар орасида кезинган кимсанинг ҳикоясини сўзлаб берган эдилар... Жон талашаётган ярадор аскарлар орасида ўлиб, қайта тирилган кишига дуч келаман, у мени у дунёнинг сирларидан воқиф этади деб, жанг майдонини кезиб юрган бу одамни эса Темурнинг аскарлари душман тусмоллаб, қиличнинг бир зарби билан иккига бўлибдилар. У нариги дунёда инсон иккига бўлинади, деб ўйлабди.

Бунақамас. Ҳатто, дунёда иккига бўлинган руҳлар бу ерда бирлашади, деб айта оламан. Аммо, динсиз кофирларнинг, осийларнинг ва шайтонга бўйсунган куфрбозларнинг иддаоларига қарши, шукурки, у дунё ҳам бор. У ердан туриб, сизга

Ўрхон Памуқ 1952 йил 7 июнда Туркиянинг Истанбул шаҳрида муҳандис оиласида дунёга келди. Истанбулдаги Америка — Роберт коллежида таҳсил олгач, Истанбул Техника Университети меъморлик факультетига ўқишга кирди. Бироқ уч йилдан сўнг мазкур олий ўқув юртидаги ўқишини ташлаб, Истанбул Университети Журналистика факультетига ҳужжат топширади.

Ёзувчининг илк асари “Жавдат Бей ва Ўғиллари” (1979) романи Туркиядаги Ўрхон Камол номидаги ҳамда Миллийат газетаси мукофотларига лойиқ топилди.

Ёзишни ҳаётининг асосий тамойили деб билган Ўрхон Памуқнинг шундан сўнг бирин-кетин “Сассиз уй” (1983), “Оқ қалъа” (1985), “Қора китоб” (1990), “Янги ҳаёт” (1994), “Менинг исмим — Қирмизи” (1998), “Бошқа ранглар” (1999), “Қор” (2002) ва “Истанбул: хотиралар ва шаҳар” (2003) каби романлари дунё юзини кўрди.

Асарлари жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган ушбу адиб бир қанча халқаро мукофотлар совриндори ҳисобланади.

2006 йилнинг октябр ойида Ўрхон Памуқ “Истанбул: хотиралар ва шаҳар” романи учун Халқаро Нобел мукофоти билан тақдирланди. Швеция Қироллиги Академияси матбуот анжуманида мазкур мукофот адибга “Она шаҳрининг ғамгин руҳиятини акс эттиришда маданиятлар ўртасидаги тафовутларнинг янги қирраларини топган” муаллиф сифатида тақдим этилгани айтиб ўтилди.

Журналхонлар эътиборига Ўрхон Памуқнинг “энг порлоқ ва энг некбин романим” деб эътироф этган “Менинг исмим — Қирмизи” асаридан парча ҳавола қилинмоқда.

Романда 1591 йилнинг қорли 9 қиш кунида Истанбулда кечган воқеа ва ҳодисалар қаламга олинади. Қисқача қилиб айтганда асар воқеалари Усмонли подшосининг махфий буйруғи асосида тайёрланган, фаранг таъсиридаги таҳликали расмлар акс эттирилган сирли бир китоб атрофида кечади.

Асар шаклан XX аср охири ғарб авангард-постмодерн адабиётининг хусусиятларини ўзида мужассам этса-да, мазмунан турфа олам ва тақдирлар мисолида шарқ маданияти ҳамда унутилган эски турк санъатлари-ю тарихий анъаналар борасида муҳим маълумотларга бойдир.

Ўрхон Памуқнинг барча мухлису муҳолифлари томонидан яқдиллик билан эътироф этилган энг муҳим ютуғи адиб қандай мавзуга қўл урмасин, тилдан ниҳоятда усталик билан фойдаланиб, асарга жозиба бахш этишидир. Шу маънода мазкур асарни таржима қилишда ушбу ҳолатга имкон қадар алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилдик. Бунга қай даражада эришилгани эса, Сиз азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола.




хитоб қилаётганим бунинг исботидир. Ўлдим, бироқ кўрганнгиздек, йўқ бўлмадим. Бошқа бир томондан, Қуръони каримда айтилган остидан сувлар оқиб ўтувчи жаннатдаги олтин ва кумуш қасрларга, мевалари ҳил-ҳил пишган катта япроқли дарахтларга, бокира гўзалларга дуч келганимни айтишга мажбурман. Холбуки, Воқеа сурасида айтиб ўтилган Жаннатдаги у катта кўзли хурларнинг кўп бора қандай завқ билан расмини чизганимни ҳозир жуда яхши эслайман. Қуръони каримда эмас, Ибн Арабий каби тасаввури кенгларнинг айтиб ўтганлари, сут, шароб, ширин сув ва асал оқиб турувчи тўрт ирмоққа ҳам дуч келмадим. Ҳақли равишда, у дунёнинг умид ва хаёллари оғушида яшаётган кишиларни ишончсизликка етакламаслик учун буларнинг барчасини ўзимнинг шахсий аҳволим билан боғлиқ эканини дарҳол маълум қилмоқчиман. Ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида

бироз бўлса-да, маълумоти бор бўлган ҳар бир мўъмин, менга ўхшаган бир беҳаловатнинг жаннат ирмоқларини кўриши қийинлигини билади.

Қисқаси, наққошлар сафида ва устозлар орасида Зариф Афанди аталган киши — мен ўлдим, аммо кўмилмадим. Бинобарин, руҳим танимни бутунлай тарк этолмади. Жаннатми, жаҳаннамми, нима бўлса ҳам, тақдирим. Руҳим у ерларга яқинлаша олиши учун танамнинг кирлигидан чиқиши керак. Бошқаларнинг бошига ҳам тушган бу истисно аҳволим, руҳимга кўрқинчли оғриқлар беради. Бош чановимнинг парча-парча бўлиб, танамнинг ярми муз каби сувда синиқ, яралар ичида чириётганини эшитмаяпман, аммо танамни тарк этиш учун чирпинаётган руҳимнинг қаттиқ оғрини ҳис қиляпман. Гўё бутун олам менинг ичимда бир ерда сиқилиб, тораймоқда.

Бу торайиш ҳиссини фақат шафқатсиз ўлим



пайтида туйганим — хайратга солувчи кенглик хисси билан солиштира оламан. Ҳеч кутмаганим — тош зарби билан бош чаногим четидан синганида, у олчоқнинг мени ўлдиришни истаганини дархол тушундим. Биров мени ўлдиради, деб сира ўйламагандим. Наққошхона билан ўлим орасидаги сўлгин ҳаётимни яшарканман, бунинг ҳеч ҳам фаркига бормаган эканман. Ҳаётга талпиниб яшган эдим. Бошимга тушган бошқа зарбларнинг чидаб бўлмас оғриғини айтиб сизларнинг жонингизга тегмай, тагин.

Ўлишимни англаган пайтимда, ичимни ишониб бўлмас бир кенглик хисси чулғади. Кечиси онини бу кенглик хисси билан яшадим: бу ёққа келишим гўё туш кўраётгандек силлик кечди. Энг охирида, олчоқ қотилимнинг лой аралаш қорли оёқ кийимларини кўрдим, Кўзларимни ухлаётгандек юмдим ва ёқимли бир кўчиш хисси қанотида бу ерга келдим.

Эндиги шикоятим, тишларимнинг қонли оғзимга лавлаги каби тўкилишидан, юзимнинг таниб бўлмас даражада эзилишидан ёки қудуқ тубида сиқилиб қолишимдан эмас, аксинча, ҳамон яшяпти, деб ўйлашларидан. Айниқса, мени яхши

кўрганлар у Истанбулнинг бир четида, ҳали ҳам, телбаларча бир юмуш билан оввора, ҳатто бошқа бир аёлнинг ортидан эргашиб юрибди, деб ўйлашлари беҳаловат руҳимга чексиз азоб беради. Бироз бўлса-да, жасадимни эртароқ топсинлар, жанозамни ўқиб, мени кўмсинлар энди! Энг муҳими, қотилим топилсин! Хоҳласалар, у олчоқ топилмагунча энг мухташам мазорга кўмсинлар мени. Топилишини мазорим теварагида айланиб-айланиб кутишимни, ҳатто ҳеч бирингизга ишонмаслигимни билишингизни истайман. Қотилим бўлган у ҳароми болани топинг. Мен ҳам сизга у дунёда кўрадиганларимни бирма-бир айтиб берман. Аммо қотилимни топгач, суякларидан саккиз-ўнтасини, айниқса, кўкрак суякларини аста-секин қисирлатиб синдиришингиз, сўнг эса сочларини бир-бир юлиб, махсус сих билан бош чанок терисини шилиб, бақиртириб тешишингиз керак.

Мен бунчалар адоват туйган ўша қотилим ким, ҳеч кутилмаган бир гарзда мени нега ўлдирди? Буларга қизиқинг.

Дунё беш чақага арзимайдиган олчоқ қотилларга тўла, қай бирини айтай демокчимисиз? Ундай бўлса, сизни ҳозирданок огоҳлантираман: ўли-



Рассом К. Жонтоев

шимнинг ортида динимизга, одатларимизга, дунё-қарашимизга қарши компас бор. Кўзингизни очинг, Ислому душманлари мени нега ўлдиришди, бир кун келиб, сизни нега ўлдиришлари мумкинлигини билиб олинг. Барча сўзларини кўзимда ёш халқаланиб тинглаганим буюк воиз арзурумлик Нусрат Хўжанинг айтганлари тўғри чиқяпти. Бошимизга тушганлар ҳикоя қилиниб, бир китобга ёзилса ҳам, ҳатто энг уста наққошлар томонидан асло расмини чизиб бўлмаслигини айтмай сизга. Бу китобнинг жозибаси худди Қуръони каримдагидек, тагин янглиш тушунилмасин, асло расм ишлаб бўлмаслигидан ҳам келиб чиқади. Буни тушунганингиздан шубҳадаман.

Қаранг, мен ҳам шогирдлимда туб ҳақиқатдан, у ёқлардан келган товушлардан қўриқиб, бунга эътибор бермас эдим. Аксинча, бундай нарсаларни мазах қилардим. Охиратим бу разил қудуқнинг туби бўлди! Бу сизнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин: кўзингизни катта очинг. Энди яхшилаб чирисам, жирканч ҳидимдан мени балки топарлар, дея умид қилишдан ўзга чорам йўқ. Ҳамда разил қотилим топилганда исканжага олинишини ўйлаш — орзу қилишдан бошқа.

Менинг исмим — Қора

Истанбулга, туғилиб ўсган шаҳримга ўн икки йилдан сўнг бир ойпарастдек кириб келдим. Ўладиганлар учун тупроқ тортди, дейдилар, мени эса ўлим тортганди. Шаҳарга илк кирганимда аввалида фақатгина ўлим бор, деб ўйлаган эдим, кейин эса севгига дуч келдим. Бирок, севги у пайтда, унутилган бир туйғу эди. Ўн икки йил олдин Истанбулда холамнинг бола ёшидаги қизига ошиқ бўлгандим.

Истанбулни тарк этганимдан тўрт йил кейин, Ажам ўлкасининг битмас-туганмас қирларида, қорли тоғларида ва қадарли шаҳарларида кезиб, мактуб ташиб, солиқ тўпларкан, Истанбулда қолган ёш севгилимнинг юзини аста-секин унутганимни ҳис қилдим. Хавотирга тушиб, бу юзни эслашга кўп ҳаракат қилдим, аммо қанчалик севсангиз ҳам, кўрмаганингиз сари аста-секин унутар экансиз. Шарқда мусофирчиликда подшоҳларнинг хизматида бўлганимнинг олтинчи йилида ҳаёлимда жонланган юз Истанбулда қолган севгилимнинг юзи эмаслигини билардим энди. Олтинчи йилда янглиш эслаганим юз кейинроқ саккизинчи йилда яна бир бор унутилиб, бошқа бир юз ифодасини олди. Ўн икки йил сўнг ўттиз олти ёшимда шаҳримга қайтганимда севгилимнинг юзини бу-


тунлай унутганимни афсусу надомат ила эслайман.

Дўстларимнинг, қариндошларимнинг, маҳалламдаги танишларимнинг кўпи бу ўн икки йил ичида ўлган эканлар. Халич томондаги қабристонга бордим. Онам ва йўқлигимда ўлиб кетган амакиларим ҳаққига дуо қилдим. Лой тупроқнинг хиди хотираларимга қоришиб кетди. Онамнинг қабри четида кимдир кўза синдирган экан. Негадир синиқ бўлақларга қараб йиғлагим келди. Ўликларгами ёки шунча йилдан сўнг қизиқ бир тарзда ҳали ҳам ҳаётнинг бошида бўлганим учунми, ёки бунинг акси ўлароқ, ҳаёт сафарининг охирига келганимни ҳис қилганим учун йиғладимми, билмайман. Билинар-билимас қор учқунлай бошлади. У ер бу ерга ёғаётган қорга тикилиб, ўйга толиб, ўз ҳаётимнинг мавҳумликлари ичида йўлимни йўқотган эдимки, бир вақт қарасам, қабрнинг қорони бир чеккасида қора ит менга боқиб турибди.

Кўз ёшларим тинди. Бурнимни артдим. Қора итнинг менга қараб думини ликиллатганини кўриб, қабристондан чиқдим. Кўп ўтмай, ота томондан қариндошимизнинг илгари яшаган уйларида бирини ижарага олиб, маҳаллага ўрнашдим. Уй бекаси жангда Сафавий аскарлари томонидан ўлдирилган ўғлига ўхшатди мени. Шунинг учун бўлса керак у аёл уйга алоҳида тартиб берар, овқатларимни пиширарди.

Истанбулда эмас, дунёнинг бир чеккасидаги араб шаҳарларидан бирида вақтинча жойлашиб, шаҳар қандай жой экан, деб ҳайратлангандек, кўчага чиқдим, узоқ-узоқ, тўйиб-тўйиб юрдим. Кўчалар торайганми ёки менга шундай туюлди-ми, баъзи ерларда бир-бирларига ёнма-ён узанган уйлар орасида сиқик кўчаларда, устига юк ортилган отларга урилмаслик учун деворларга, эшикларга уриниб-суриниб юришга мажбур бўлдим. Бойлар кўпайганми ёки менга шундай туюлди-ми, ҳашаматли машина кўрдим. Бунақаси на Арабистонда, на Ажамда бор: машина гўё мағрур отлар тортган бир қалъага ўхшарди. Чамбарлитош ёнида товуқ бозоридан анқийган сассиқ ҳидга бурқсиб, бир-бирига тикилиб ўтирган, эски-тускилар орасидаги орсиз тиланчиларни кўрдим. Бири кўр эди ва ёғаётган қордан чексиз завқ туйиб, тинмай куларди.

Ш. СУБҲОН
таржимаси.



ТАҲДИДЛИ ДАРД ТАБИБИ



“Соғлигинг — бойлигинг”, “Соғлом танда — соғ ақл”, “Ҳар бир истакнинг туб мақсади саломатликдир”. Муолажа учун ёки ишингиз тушиб шифохоналарга кириб қолсангиз ана шундай шиорлар эътиборингизни тортади. Бир тарафда “Тез ёрдам”да келтирилган беморни шифокорга етказиш учун шошилаётган бўлишса, бошқа томондан эса, даволаниб, уйига қайтаётган миннатдор чеҳраларга кўзингиз тушади. Мана улардан бири — тошкентлик Бахтиёр Ҳамдамов. У оғир дарддан халос қилган шифокори Алишер Бобоев исмини тилидан туширмайди. Уни олиб кетиш учун келган турмуш ўртоғи ва ўғлига Алишерни мақтайди, дуо қилади.

Қашқадарё вилояти Бешкент шаҳридан келиб, даволаниб чиққан Худойкул ака Усмонов I-Республика клиник шифохонаси раҳбарларига учрашиб “Кўли энгил, тили ширин” врач Алишер Бобоевдан миннатдорлигини ва урология бўлимидаги барча шифокорлардан хурсанд эканлигини айтди.

Қорақалпоғистоннинг Хўжайли тумани “Оқ олтин” ширкат хўжалигидан келган 73 ёшли Эшчанбой Холмуродов урология бўлимида икки марта даволанди. Илк бор у қовуғида йиғилиб қолган тошларни олдириди. Кейингисидан эса хасталанган простата безини жарроҳлик йўли билан даволашди. Отахон республика “Нуроний” газетаси орқали урология бўлими ординатори, ёш шифокор ва унинг касбдошлари ҳақида мақола ёзиб миннатдорчилик изҳор қилди.

Биз ҳам Бобоев Алишер Шук-

руллаевич билан яқиндан танишиш мақсадида Биринчи Республика клиник шифохонаси урология бўлими мудири Қаҳрамон Абдулазизовичга мурожаат этдик. Мудир бизни бўлимда даволаш усуллари, ютуқ ва камчиликлар билан қисқача таништириб ўтди.

Шундан кейин биз шифокор ординатор-эндоуролог Алишер Бобоевга бир неча савол билан мурожаат қилдик:

— **Алишер Шукруллаевич, айтингчи, урология бўлимида қайси хасталиклар билан оғриган беморлар даволанадилар?**

— Урология бўлимимизда, асосан, пешоб ажратиш аъзолари ва эркаклар жинсий аъзолари касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Хусусан, бунга буйраклар ва қовуқ тошлари, простата бези яллиғланиши ва ўсмали касалликлари, пешоб йўллари инфекцияси ва бошқа касалликлари киради.

— **Бўлимда бажариладиган даволаш усуллари ҳақида ва хусусан, “эндоурологик” операциялар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бўлимимиз 40 ўринли бўлиб, Республика миқёсида беморларга шошилиш ва режали хизмат кўрсатамиз. Даволаш усуллари беморларнинг умумий ҳолати, касаллик туридан келиб чиқиб танланади. Операциялар бизда, асосан, анъанавий услубда ва нисбатан янгироқ “эндоурологик” услубда бажарилади. Эндоурологик услубда касалланган ички аъзоларга теридан қилинган 1,0-1, 5 см.ли тешиклар орқали операция амалиёти бажарилади. Эндоурологик усулларнинг

анъанавий операциялардан фарқи — беморларнинг касалхонада даволаниш муддати 3-4 баробар қисқаради. Ўз-ўзидан сарфланадиган дори дармонлар сарфи ҳам шунчага камаяди. Энг асосийси эса, даволаш сифати бир неча баробар ортади. Агар биз бу ҳисобни йил давомида даволанадиган беморлар сонига кўпайтирсак, каттагина иқтисодий тежамкорликка эришилади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тиббиётда бу усуллар етакчи ўринда туради. Республикамизда эндоурологик операциялар бугунги кунда Республика ихтисослаштирилган урология марказида яхши йўлга қўйилган. Лекин республикада фақат битта клиника барча талабларни қондира олмайди. Шунинг учун янги технологик операцияларни йўлга қўйиш бугунги кунда тиббиётимиз олдидаги асосий вазифадир. Эндоурологик операциялар бажариш учун махсус тиббий техникалар зарур бўлиб, бу техникалар, асосан, чет элларда ишлаб чиқарилади.

— **Бу йил юртбошимиз томонидан “Ёшлар йили” деб эълон қилинганлигини биласиз. Сизнинг фикрингизча, бу тиббиётда ўз ақсини қандай топиши зарур, ҳар ҳолда, даволаш ишларида оширилган малака, шифокорнинг иш стажини микдори салмоқли ўринни эгалласа керак.**

— Албатта, фикрингизга қўшиламан. Фақат тиббиётда эмас, барча соҳаларда ҳам иш стажини оширилган малака иш сифатига яхши таъсир кўрсатади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам

бор. Бугунги кунда дунё миқёсида фан ва техника шунчалик тез ривожланиб бормоқдаки, агар биз шу ривожланишга ҳамоҳанг қадам ташламас эканмиз, тиббиётнинг илгор ютуқларидан баҳраманд бўла олмаймиз. Орқада қолишга эса ҳақимиз йўқ. Ҳеч кимга сир эмас, бугуннинг ёшлари замонавий технологиялар билан ишлашда катталарни орта қолдирмоқда. Бунинг ўзига хос табиий сабаблари бор, албатта. Биринчидан, ёшлар илмга, янгиликларга чанқоқ, қолаверса, ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳам бажаришга кўзи етади. Бунинг учун уларда имконият ҳам, вақт ҳам, билим ҳам бор. Шу сабабли Ёшлар йили эълон қилишини донишмандлик, деб ҳисоблайман. Биз ёшларимизга ишонишимиз керак. Тарихимизга назар солсак, бутун дунё маданияти ва илмида ўчмас из қолдирган, инсоният тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган, бугун авлодлари ифтихор билан эслайдиган боболаримизнинг аксарлари, ўз куч қудрати ва илмий завоқати билан дунёни лол қолдирганларида ҳали 30 ёшга кириб улгурмаган эдилар.

— **Алишер, устозларингиз, ўзингиз, оилангиз ва келажакдаги орзуларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Авваламбор, устозимиз профессор Миркамол Мирсаматович ҳақида гапиришим керак. Улар ҳозир нафақадалар. Умрлари узоқ бўлсин, Олийгоҳни битиргач, улар раҳбарлик қилаётган 1-тиббиёт олийгоҳи урология кафедрасидаги

клиник ординатурада таҳсилни давом эттирдим. Улар шоғирдлар орасида жуда қаттиққўл устоз сифатида, беморларга эса скальпелларининг “ўткир”лиги билан танилган. Яна устозларимиздан доцент Алижонов Назир Бориевични айтиб ўтишим керак. Улар доимо янгиликларга интиладилар, бу йўлда шоғирдларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг ютуқларидан баробар хурсанд бўладилар. Биз иш жараёнида уларга кўп жиҳатдан суйнаимиз. Умуман, жамоамиз жуда аҳил. Мен бирга ишлайдиган барча шифокорларни, хоҳ мендан катта, хоҳ кичик бўлсин, қайсидир жиҳатдан ўзимга устоз, деб биламан. Улар Қаҳрамон Абдулазизович, Ҳамидулла Тоҳирович, Жамол Жабборович, Бахтиёр Шухратиллаевич, Собир Солиевич, Алишер Турсунбоевич, Жасур Жамоловичлардир. Бизнинг бўлимимизда Врачлар малакасини ошириш институти клиник ординаторлари ва Республика ихтисослаштирилган урология маркази магистрлари анъанавий амалиётларни ўрганиш учун таҳсил олишади.

Ўзим ҳақимда айтадиган бўлсак, Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилганман. Ўрта мактабни тамомлаб, 1990 йилда 1-Тошкент Тиббиёт олийгоҳига 1996 йилда клиник ординатурага ўқишга кирдим. Шундан буён мазкур шифохонада ишлаб келаяпман.

Отам-онам нафақадалар, уларни дуоларига ишонаман. Оилалиман, уч фарзандим бор — икки ўғил, бир қиз. Оллоҳга шукр шах-

сий ҳаётимда камчилик йўқ.

Орзусиз инсон бўлмаса керак. Орзуларим жуда ҳам кўп. Иш соҳасида орзуимнинг энг асосийси чет эл клиникаларида малака оширишиш, ўқиш. Яна ривожланган янги технологияларга асосланган шахсий клиника очиб, эл-юртга намунали хизмат қилиш. Сўнгги йилларда жуда шинам, беморлар учун ҳар томонлама қулай, тезкор иш услубига эга, ривожланган мамлакатлар иш услубидаги барча афзалликларни ўзида мужассам этган шахсий клиникалар қурилиб, хизмат кўрсатмоқда. Ана шундай шифохоналар яратиш орзуимдир. Бу эса давр талаби.

Ҳа, халқимизда “Олтин олма, дуо ол”, деган ҳикмат бор. Алишер Бобоевга ўхшаб, дуо ва олқишлар олаётган шифокорларимиз оз эмас. Улар ўзларининг бор маҳоратларини беморларни беминнат даволашга қаратганлар. Зотан, инсон ҳаётида сиҳатликни таъминлашдан ҳам муҳимроқ нарса борми? Шунинг учун ҳам улар ҳар бир истакнинг туб моҳияти саломатликдир, дейишади. Соғ бўлсангиз, барча ишга қодирсиз. Буни яхши ҳис қилган меҳрибон шифокорларимиз кеча-ю кундуз бизларнинг соғ-саломат бўлишимиз учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Биз ҳам яратгандан шифокорларимизнинг ҳамisha соғ-омон бўлишларини сўраймиз.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
суҳбатлаиди






“Дастурхон атрофида суҳбатлар” асарининг биринчи китобида Плутарх “Эрот (севгининг шўх боласи) одамни шоир қилади”, деган ҳикматли иборанинг замирида қандай маънолар борлиги ҳақида дўстлар суҳбатини келтиради. Олим бу суҳбатда ва бошқа кўпгина суҳбатларида римлик дўсти ва ношири Гораций замонидаги Меценат каби, илм-фан ва санъат аҳлига ҳомийлик қилувчи Соций Сенецион (ёки Сенекион) уйидаги меҳмондорчиликда севги фариштаси Эрот фақат шоирларга илҳом бериб қолмай, балки ёмон, зиқна одамларни ҳам мулойим, меҳрибон, сахий ва шоир қилиб юборишини илмий, мантиқий далиллар билан тушунтиради. Мазкур суҳбатда шоирларга ва барчага илҳом бериб, қалбларни гўзаллаштириб юборувчи севгининг қудратли кучи ҳақида сўз боради. Плутарх шу ерда Афлотун фикрига суюниб айтадики, *Эрот (севги фариштаси) индамасларни ҳам сайратади, тортинчоқ одамларни сермулозамат қилади, беғам, бепарво, енгилтак, ишёқмас одамларни ғайратли ва меҳнатсевар қилиб юборади.* “Яна шуниси ҳайратланарлики, — дейди муаллиф, — майда-чўйдасини ҳам қизғонадиган одам агар бировни

нозик-нафис, жозибали, аъло сўзларни айтишни истайдилар, бундай ажойиб сўзлар эса шеърятдадир.

Плутарх шу ерда (Соций тилидан) Арасту-нинг шогирди Теофраст (Феофраст)нинг мусиқа ҳақидаги китобини ўқиганлигини айтади. Теофраст фикрича, мусиқанинг уч манбаи бор: қайғу, қувонч ва илоҳий илҳом. Буларнинг ҳар бири инсон овозини (сўзларини ҳам) ўзгартириб, бир текисликдан (жўнликдан) чиқаради. Қайғули туйғулар овозни йиғига ва кўшиққа айлантиради. Нотиқлар (халқ олдида сўзлар экан), актёрлар саҳнада тингловчиларнинг туйғуларига таъсир этиш учун сўзларининг маъноларига қараб, овозларини ўзгартирадилар. Кучли, беҳад қувонганида одам ўйин туша бошлайди (Имом ал-Бухорий ҳадисларида Расулulloҳ мақтов сўз айтганида баъзи саҳобалар ўйинга тушганларини эслайлик). Рақсни билмайдиганлар ҳам қувонганида чапак чалиб, сакрай бошлайдилар. Шоир Пиндар ёзгандай, улар —

Ало-ло! — деб ҳайқирадилар,
Бошларини орқага ташлаб...

Лекин оғир, вазминроқ одамлар шодланганида бақириб чақирмай, рақсга тушмай, кўшиқ айтадилар, кўшиқда эса овоз ритмга ва



ИЛОҲИЙ ИЛҲОМ

севиб қолса, темир оловда юмшагандай эриб, оққўнгил, меҳр-мурувватли, сахий бўлиб кетади.

Яна бир меҳмон айтади: севги мастликка ўхшайди, севгувчи одам мастдай кўнгли тоғ, шўх ва қувноқ бўлиб, беихтиёр ашула ёки шеър тўқиб юборади. Эсхил ҳам трагедияларини ёзаётганида “маст” бўлар экан. Ошиқлар мақтовли, чиройли, ширин сўзлар билан машуқасининг кўнглини олишга интиладилар. Ошиқлар севгилисининг гўзаллигини, ажойиблигини бошқалар ҳам билсин, деб уларни мусиқа ва шеърда мадҳ этадилар, улар энг яхши,

мусиқий оҳангга тушади”. Плутарх фикрича мана шундай оддий одамларнинг шодланиши билан илоҳий илҳом ҳолатидаги одамларнинг сўзлари, овозлари ва ҳаракатларида фарқ бор. Илоҳий илҳом ҳолатида ритм кучайиб, нутқ шеърга, мусиқага айланиб кетади. Ҳатто, ақл-хушдан мосуво Вахх қизларининг мажнунларча рақс ва кўшиқларида ҳам ритм, мусиқий оҳанг тартибсиз бўлмайди. Плутарх мана шу фикрлардан хулоса чиқариб айтадики, севгининг асл моҳиятини ойдинлаштирадик, у келтирган алам, қайғу ҳам, севинч, шодлик ҳам ақлдан озиш даражасида кучли ва теран эҳтиросларга бойдир. Шоир Софокл ёзганидай, Эрот — севги сайёдининг ўқиға учраган одамнинг қалбида ибодат каби илтижо ва дод-фарёд кўтарилади. Севгида

мусиқанинг барча товланишлари, жилolari — севинч, қайғу, илоҳий илҳом бирлашиб кетади ва шеър, кўшиққа айланади. *Плутарх ўзининг бу фикрлари билан рақс ва шеъриятнинг келиб чиқиши ва табиатини яхши тушунтиради.*

“Дастурхон атрофида суҳбатлар”нинг бешинчи китобида Плутарх “нима учун биз ғазабнок ё қайғураётган одамни кўрсак, эшитсак, ёқимсиз кўринади-ю, шуларнинг ҳолатига ўхшаган актёрни кўрсак роҳатланамиз?”, деган саволга жавоб беради. Эпикурчи файласуф Боэт (бу кейинроқ яшаган римлик Боэций эмас)нинг уйида комик актёр Стратон ижро этган ҳолатлар меҳмонларга ҳузур бағишлайди. Шу ерда комедия ҳақида гап очилиб, юқоридаги савол туғилади. Яъни, инсонлар шодланаётган ё қайғураётган одамни кўрсалар ҳузурланмайдилар (аслида, виждонли, софдил одамлар дўстлари ё танишларининг шодлиги ва қайғусига шерик бўладилар — М.М. А.П.), лекин саҳнада ёки базмда шу ҳолатларни кўрсатган (Арасту айтишича, шуларга тақлид қилган) санъаткорларга таҳсин айтиб, шодланадилар. “Эпикурчилар — дейди Плутарх, — ростдан ҳам шодлик ё қайғуни бошдан кечириётган одамларни кўрсак, ўзимизда (шу лаҳзаларда) бу ҳаяжонли ҳолатлар (йўқлиги сабабли ҳузур-

касал ётган одамни кўрсалар қийин ҳолатга тушадилар, лекин тасвирий санъатда шу ҳолатдаги одамларни кўриб, завқланадилар. Қақағлаётган товуқ ёки қарға одамга ёқмайди. Лекин, агар бир одам (актёр) товуққа ўхшаб қақағласа ёки қаргадай қарилласа, завқлантиради.

Бу ерда Плутарх ўзи сезган ёки сезмаган ҳолда Арастунинг “Поэтика”сида айтилган мимесис — тақлид — санъатининг ўзига хос табиати эканлиги ҳақидаги фикрни тасдиқламоқда. Ижодкор, шоир, бастакор, мусаввир, ҳайкалтарош табиатга, ҳаётга тақлид қилганида албатта, фақат нусха кўчириш учун эмас, балки нозик руҳий ҳолатларни, гўзаллик ва хунукликни, улғуворлик ва майдаликни, жожеий ва кулгили воқеа, ҳодисаларни, юксак фикр, гоёларни билдиришни истайди.

Шу асарида Плутарх яна поэзияда (бу ерда поэзиянинг мусиқий турлари ҳақида сўз боради) мусобақалар, танловлар ташкил этиш, ижрочиларнинг санъатдаги маҳоратини баҳолашда нималарга эътибор бериш ҳақида фикр юритади. Муаллиф ҳикоясидан кўринишича, унинг ўзи кўпгина шундай танловлар, мусобақаларда Гомер, Гесиод ва бошқа қади-




ҳаловат оламиз”, дейдилар. Плутарх эпикурчиларнинг бу фикрларига қўшилмайди. Унинг фикрича, қувончли ёки қайғули ҳолатларни ўхшатган актёр бизга ҳузур-ҳаловат бағишлашининг сабаби шундаки, у (актёр) санъаткорлиги билан ўша ҳолатларга тақлид қилиб, яхши ўхшатиши биз учун ёқимлидир. Плутарх шу ерда қизиқарли ҳаётий мисолни келтиради: ёш болага кучук ёки сигирни берсангиз қувонмайди, чунки буларни кўп кўрган. Лекин унга кучук ёки сигирга ўхшаш пиширилган нон ё кулчани берсангиз қувониб кетади, чунки болалар ясама, қизиқарли нарсаларни хуш кўрадилар. Болаларга айтилаётган ҳикояда ҳам сирли ва мураккаб нарсалар бўлса, кўпроқ қизиқарлидир. Катта ёшдагилар ўлаётган ва ё огир

мият даҳоларини яхши билувчи ҳакам сифатида қатнашган. Унинг серқирра адиб ва олим эканлиги барча адиблар тарафидан эътироф этилган.

Плутарх ижоди икки минг йил давомида Данте, Шекспир, Франсуа Рабле, Ш.Монтескьё, Расин, Мольер, Байрон, Ромен Роллан ва бошқаларни буюк асарлар ижод қилишга илҳомлантириб, руҳлантириб келди.

Маҳкам МАҲМУД,
филология фанлари номзоди,
Абдуқайом ПАРДАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди



Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобини завқ-шавқ билан ўқиб чиқиб, ўз фикрларимни журналхонлар билан баҳам кўришни лозим топдим.

Ўткир Ҳошимов покликнинг, ҳалолликнинг мангу машъали бўлган ҳақиқатни чуқур тушуниб етиб, уни тарғибот этган ва ҳар қандай тўсиқларни ёриб ўтган, деган хулосага келдим. У ҳақиқатга суяниб, келажак сари одимлаб, қирқ йилдан ортиқ ижодий меҳнат қилиб, мазкур асарини яратган.

Китобда ҳаёт ва жамиятдаги кўп масалалар, муаммолар мустақилликнинг талаб ва вазифаларидан келиб чиқиб, ба-

ёркин намоён этишини талаб қилади. Қаерда бу қоида бузилса, ўша ерда муваффақиятсизлик рўй беради, фирромлик, ёлғончилик устунлик қилади. Шундай вазиятларда адабиёт битта талантни, ўқувчи ўнлаб янги ва яхши асарни, жамият эса, маънавият дарёсига қўйилиб турган бир ирмоқни йўқотади...

Ў.Ҳошимовнинг ижодий-бадий концепциясида инсоф билан адолат эгизак сифатида талқин қилинади. Бу икки сўз бир-бирини тўлдирадиган, бойитадиган тушунчалардир. Муаллиф “адолат”ни кенг маънода тушунади ва таҳлил қилади. У ҳар бир соҳада адолат

Буюк файласуф Афлотуннинг гапини мисол қилиб, муаллиф ўз фикрини келтиради. “Қайси юртда қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ўша ерга Худонинг неъматлари ёғилиб туради” (86). Қонуннинг асосий принципларидан бири жамият масалаларини, халқлар ўртасидаги муносабатларни тўғри, ҳаққоний ҳал қилишдир. Муаллиф Қонунни мансаб билан боғлайди. Қайси амалдор халқ ўртасида обрўли бўлишини истаса, ўз ишини қойил қилиши керак. Бунинг учун ақлни ишлатиш лозим. Чунки “мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди”.

Ҳозирги замонда, муста-

БИТИКЛАР

УМРИ

дий таҳлил қилинган. Муаллифнинг узоқ вақт давомидаги кўрганлари-билганлари тафаккур чиғиригидан ўтказилиб, қизиқарли баён билан қоғозга туширилган.

Бунда маънавиятнинг турли қирралари: айниқса, одоб, тарбия, инсоф, ахлоқ, виждон, севги, дўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, ақл-идрок, қувонч ва ғам, фидойилик ва макр, ишонч ва ишончсизлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, гўзаллик ва машхурлик каби инсоний ҳислатлар лўнда, ҳикматли иборалар шаклида ифода этилган.

“Инсон иймон дарвозасининг посбонидир” — деб ёзади муаллиф. Ҳам содда, ҳам чуқур маъноли тушунча. Бундай анъанани Ў.Ҳошимов халқдан, мумтоз меросимиздан ўрганган. Уни янги замонга мослаб, ўзгача талқин этган.

Ўтмишда инсофни шундай таърифлашган экан: “Инсоф — одам ўзига нимани раво кўрса, бошқа кишига ҳам шуни раво кўриши”. Ў.Ҳошимов ҳар бир соҳада инсоф барқ уришини,

ҳар томонлама голиб чиқишини, унга заррача путур етказмаслик лозимлигини таъкидлайди.

“Адолат Кучга буйсунган юрт — вайрон юрт. Куч Адолатга буйсунган юрт — бўстон юрт” (47). Қандай ҳаққоний, замонавий аҳамиятга эга бўлган фикр. Бу сўзлар худди мақолга ўхшаб жаранглайди, мазмунан чуқур, бақувват илдизга эга. Ў.Ҳошимовнинг тўғри таъкидлашича, қаерда юқоридаги талаб тариқча сузайса, ўша ерга ғаламислик, маккорлик, айёрлик, ёлғон, тухмат, ҳасад суқилиб кириб олади. Бу иллатлар жамият танашига қора қуртдай ёпишиб, уни емиради. Инсоф, адолат, ҳақгўйлик масалалари қонунга миҳлаб қўйилиши лозимлигини китобдан ўқиб биламиз. Шу сабабдан ҳам Ў.Ҳошимов қонуннинг кучини жуда юқори поғонага кўтариб таърифлайди. Мамлакат тараққиёти, фаровонлиги ҳам, таназзули ҳам қонунга қандай амал қилинишига боғлиқ эканлиги алоҳида қайд қилинади.

қиллик даврида энг муҳим масалалардан бири — барча халқлар билан дўстона ҳамкорлик қилиш, ҳеч бир халқнинг ютуқларини камситмаслик, аксинча, улардан қувониш, баҳраманд бўлишдир. Бир халқни камситиш, уни қоралаш замоннинг фожиасидир. Бундай муносабат халқлар ўртасида низо келтириб чиқаради, ҳатто қиргин урушларга олиб боради. Бу ҳолатни чуқур ҳис этган Ў.Ҳошимов жуда тўғри нуқтаи назарда туриб фикр юритади.

“Миллий ғурур — миллатчилик эмас. Миллий ғурури бор одам бағри кенг бўлади, ўз миллати билан фахрланади, аммо ўзга миллатни камситмайди. Миллатчилик — миллий ғурур эмас. Миллатчининг феъли тор бўлади. Нуқул ўз миллатини улуғлаб, ўзга миллатни камситади” (5).

Муаллиф ўз фикрининг янада ишончли чиқиши учун буюк олим Берунийнинг “Ҳиндистон” китобига мурожаат қилади. “Бирор халқнинг у ёки бу удумига баҳо беришда буни-

си менга ёқади, униси ёқмайди, дейишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, негаки ҳар бир халқ аъналари йиллар мобайнида шаклланган ва ўша халқнинг ҳаёт тарзига айланган”. Қандай мўътабар сўзлар. Улуғ олимимиз минг йиллар аввал келажакка қанчалик ҳаққоний қарай олганлигига қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Ў.Ҳошимов миллатчилик балосини нигилистик иллат билан моҳирона боғлаб, нигилистик иллат миллатчиликдан ҳам ёмон эканлигига алоҳида урғу беради.

Китобда мунофиқлик, ўжарлик, ғаразгўйлик, тухмат, ёлғон, ичкиликбозлик, ҳасад каби бир-бирини тўлдирадиган сарқитлар ўта салбий иллатлар эканлиги яққол исботлаб бериллади.

Шу билан бирга икки давр — шўролар ва мустақиллик даврлари таққосланиб, биринчисидан юз берган даҳшатли ҳодисалар фош қилинади, халқ зийракликка чақирилади.

Уша қатағон ўтмиш ғазаб билан тилга олинади. Муаллиф “ўзбек иши”, “пахта иши” деб жар солиб, халққа зулм ўтказган жаллодларга қаҳр ва нафрат ўтларини сочганлигининг гувоҳи бўламиз.

Битиклар бахт йўлини очган мустақилликнинг нурафшон нурлари билан суғорилган. Унинг фазилатларини аниқ мисоллар, фактлар билан исботлаб берганлиги қалбимизда қувонч туйғуларини жўш урдиради.

Ў.Ҳошимовнинг битиклари чуқур фалсафий маънолари, бадиий соддалиги ва гўзаллиги, шаклнинг ўта аниқлиги билан ҳарактерланади. Ихчам, аммо кенг маъноли бадиий лавҳаларда муаллифнинг орзу-умидлари, теран ақл-заковати, ўзига хос дунёқараши ҳаққоний ифодасини топган.

Ў.Ҳошимов ўз битикларида ўзбек миллий тилининг қудрати ва бойлигини кўрсата олган. Китобда айниқса, “бозор

иқтисоди” муаммосига кўпроқ диққат-эътибор қаратилган. Бу тадбир инсонларни қандай аҳволга солиб қўйди? Жавобни Ў.Ҳошимовдан эшитайлик.

“Кеча буюк ихтиролар қилган олимнинг истеъдодли шогирди бугун илмни ташлаб тадбиркорга айлансаю, папкасига “деловой шартнома” солиб зипиллаб юрса, ҳайрон қолмайман. Бу ҳам “бозор иқтисоди!” (55).

Китобда “бозор иқтисоди” келтириб чиқарган чалкашликлар, йўқотишлар дадил, қатъий журъат билан очиб ташланган.

Юрак қони билан дoston ёзган шоирнинг қалам ҳақи машиначи ҳақиға етмаса, чаласавод “ҳофиз” бугун “Ягуар” машинасида юрса, бозорнинг даллоли катта дача солса, алифни калтак деёлмаган атеист минг кишини тўплаб “амри-маъруф” қилса, унинг ўқитувчиси чой ташиб юрса, ўша ўқитувчи эртага сигарет сотса, олим олдида талаба машинада лой сачратиб ўтса, муаллиф ҳайратланмай иложи йўқ эди.

Шу билан бирга “бозор иқтисоди” инсонларни билим олишдан, бадиий асарлардан сабоқ чиқаришдан узоклаштираётганлигидан муаллиф ташвишга тушади. “...Китоб ўқийдиганларда пул йўқ. Пули кўплар китоб ўқимайди...” деб жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қаратган.

Тўғри, “бозор иқтисоди”нинг ижобий томонлари ҳам муаллифнинг назаридан четда қолмаган.

Оддий инженер бугун корхона очиб бойиб кетса, ҳунарманд каттакон цех очиб роҳатини кўрса, нотавон бола, “бизнесмен” бўлиб хусусий самолёт сотиб олса, булардан муаллиф қувонишини таъкидлаб ўтади.

«Лекин “бозор” деган тушунча билан “маънавият” деган тушунча бир кўчадан юриши қийин экан”, (112) деб

огоҳлантириб ҳам қўяди муаллиф.

Битикларнинг пайдо бўлишида асосий манба халқнинг ижтимоий-социал, маънавий-иқтисодий ҳаётидир. Шунинг учун Ў.Ҳошимов яратган ҳикматлар китобхонлар томонидан ўзлаштирилиб борилмоқда. Чунки битикларнинг тили содда, ифодали ва кўркемдир. Улар кўплаб лексик ва синтактик бадиий воситалар билан, турли мажозлар, сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, муболағалардан фойдаланиш жиҳатидан диққатга сазовордир. Бу бадиий воситалар битикларнинг мазмунини чуқурлаштирган, уларга тўла аниқлик, образлилик берган, шу билан бирга ифодаланган ҳодиса ва муаммоларга қатъий ишонч ҳосил қилган.


Характерли томони яна шундаки, битиклар кўпинча қофияланган ёки радибли қофиялар билан таъминланган, шу билан бирга, айрим ҳолларда товушлар уйғунлиги заминидан оҳангдошлантирилган. Бу ҳол битикларнинг бадиийлигини ошириб, эсда қолишини осонлаштирган.

Тўғри, китобда ошиқча бўлиб кўринган битиклар ҳам учраб қолган, бунга бир мисол келтирамиз. “Ҳеч нимага ҳайрон қолмайдиган одамдан олим чиқади. Ҳамма нарсага ҳайратланадиган одамдан шоир чиқади!” (54).

Ў.Ҳошимов “Антиқа китоб” устида тўхталиб: “Бу китоб — тарих эди” (31), дейди. Ўзининг “Дафтар хошиясидаги битиклар”и ҳам тарихий китоб бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Маълумки, Ў.Ҳошимов яратган битиклар ҳар жиҳатдан ибратлидир. Улар авлодлардан авлодларга ўтиб, келажак авлодларни бу ажойиб битикларнинг муаттар бўйидан баҳраманд қилса, ажаб эмас.

**Ҳафиз
АБДУСАМАТОВ**



Расул ҲАМЗАТОВ

МЕНИНГ ДОФИСТОНИМ

(Боши ўтган сонларда. Давоми)

Агар мен бўлсам, скрипка торининг титрашидан улкан қояларга дарз кетади. Агар мен бўлсам, сурнай ноласини эшитганда тоғ такалари ҳам водийда рақсга тушади. Агар мен бўлсам, қотил қўлидаги қиличини ташлайди, севишганлар бир-биридан қайноқ бўса олишади.

Ёвқур ёри Мариямни отда олиб қочганда, мен бор эдим. Жанна д'Арк ўзига эргашган лашкар олдида қилич яланғочлаганда, мен бор эдим. Одам ўзига қанот ясаб минорадан сакраб учганда, мен бор эдим. Колумб ёки Магеллан олис сафарга чиқиш учун кемаларининг елканларини кўтарганда, мен бор эдим. “Мона Лиза” асари физилаётган вақтда ҳам мен бор эдим.

Менинг фалсафам майдони — барча даврлар ва бутун коинот. Менинг қаҳрамонларим — одамлар. Одамларда ақл ва қалб бор. Барча материядаги одамларга муҳаббат ва нафрат, мардлик ва кўрқув, олижаноблик ва айёрлик, фидокорлик ва ёлғончилик, самимийлик ва гийбатчилик хос хусусиятдир. Одамлар ақли ва қалби — менинг жанг майдоним. Шу майдонда мағлубиятга учрайман, галаба қозонаман ва яратувчанликка замин қўяман.

— Унда ҳақиқатни очиқ айт: мен нимага ярайман? Эрта-индин эриб кетадиган қорга ўхшашга ҳаракат қилмаяпманми? Ёки таги тешик кўзага сув қуйиб тўлдиришга уринмаяпманми? Менинг қалбимга сенинг сўнмас гулханингдан учқун тушганми ёки сенинг ширин бўсаларинг тотини лабларим ҳис этганми?

Менинг кўзларимдан қувонч ва қайғу ёшлари оқади. Лекин яна шундай кўз ёшларим ҳам борки, улар овчининг келаётганини сезиб пушиб олган қушлардай кўзимнинг тубига бекинган. Бу бекиниб олган кўз ёшлар бири севгидан, бошқаси аламдан, бири бахтдан, бошқаси кулфатдан. Бошимдаги сочим ҳам икки рангда: қора ва оқ. Иқрорман, бир оёғим ёшликда, бир оёғим кексаликда. Кексалик ва ёшлик, улар ўзаро доимо курашадилар, кураш майдони — менинг қалбим!

Менинг севгим — чинор, унда қўш шох бор,
Бири қуриб борар, бири гуллайди.
Менинг севгим — бургут, гўё икки сор,

Бири парвоз этар, бири қулайди.
Менинг қалбим қийнар икки жароҳат,
Биридан қон оқар, бири битади.
Умрим бўйи шундай: навбатма-навбат
Гоҳ қувонч, гоҳ қайғу қўлим тутади.

Одамзоднинг умри чегараланган. У жуда қисқа, лекин орзулари чегара билмайди. Мен йўлдаман, орзуларим эса уйда. Мен севгилим билан сайр қилаяпман, орзуларим эса ёрим билан тотли висол кучоғида. Мен шу кунда яшаяпман, орзуларим эса бир неча йиллар илгари кетган. Орзулар одамзод умр риштаси узиладиган чегарадан ҳам ўтиб кетади ва асрлар оша учаверади.

ШОМИЛ ЕЧГАН ЖУМБОҚ. Унинг қўлига учта тугуни бор арқон беришди. Бир четдаги икки тугун яқин, учинчи тугун арқоннинг нариги охирида. Бу қандай жумбоқ бўлди экан?

Шомил арқонни икки қўлида ушлаб ёзди ва деди:

— Биринчи тугун — бу мен. Иккинчи тугун — бу менинг ўлимим. Мана бу узоқдаги учинчи тугун — умрим бўйи интилиб етолмаган, ўйларим, орзуларим яшайётган жой.

Орзуларим ишлов бераётган майдон айна пайтда ўзим ишлов бераётган майдондан жуда ҳам катта. Шундай экан истейдод кимга хизмат қилиши керак? Менгами ёки мендан узоқларга учиб кетган орзуларимгами?

Ҳа, сен сўнмас гулхансан. Сен қўшиқсан, ҳеч ким охиригача куйлай олмайдиган. Сен парвозсан, ҳеч ким охиригача етиб боролмайдиган. Мен сенинг умрбоқий қўшиқларинг орасига ўзимнинг битта бўлса ҳам аварча қўшиғимни қўша оламанми? Эҳтимол, ўшанда сенинг қўшиқларинг тўқис бўлар.

Мен сенинг сўнмас гулханингдан учқун олиб, Доғистон чўққиси узра кичкина бўлса ҳам ўз гулханимни ёқишни удалайманми? Бир қоядан иккинчи қоя томон давом этаётган парвозимни салгина бўлса ҳам чўза оламанми?

Менинг овулим — Цада! Бу сўзнинг маъноси — олов. Бир кун мендан бошқа овуллик киши сўради:

— Йигит, қаерликсан?

— Цададан.

Суҳбатдошим дарҳол кесатди:

— Олдин шеърларингни ўқи, ўшанда биламиз, уларда олов тафти борми ёки музнинг совуғи.

Оғир ўйлар исканжасида қийналаман. Ташқарида ҳаво аллақачон очилиб кетган. Куёш чарақлаб турган бўлишига қарамасдан иссиқ чакмонимни кийиб кўчага чиқмаяпманми? Ҳўкизни ўғриллар ўмариб кетгандан кейин оғилхона эшигини маҳкам танбаламаяпманми? Одамлар аллақачон эшитиб бўлган воқеаларни ҳикоя қилмаяпманми? Тантанали базмдан эндигина чиққан одамларни меҳмонга таклиф этмаяпманми? Умуман, шу китобни ёзишим шартми?

— Агар ёзмасликнинг уддасидан чиқсанг, ёзма.

— Қандай қилиб ёзмасдан жим яшай оламан? Оғриқ зўрайганда бемор индамасдан жим тура оладими? Бахтиёр одам жилмаймаслиги мумкинми? Сокин ойдан кечада булбуллар сайрамасдан жим тура оладими? Зах ердан ёриб чиққан майса энди ўсмаслиги мумкинми? Баҳор куёшидан нур эмган гунчалар очилмасдан тура оладими? Куёш нуридан қор-музлар эриётган пайтда тоғ дарёлари денгиз томон шарқираб оқмаслиги мумкинми? Чарсиллаб қуриган шохшаба ўт тушганда гуп этиб аланга олмайдами?

Болалигимдан чўпонлар кечаси дарё бўйида, қоялар ёнида, водийда ёки қўраси яқинида ёққан гулханларда исинишни яхши кўраман. Менку биламан, гулханни ўт олдириш ташвишнинг бошланиши, уни совуқ узун кечада ўчирмасдан ёқиб чиқиш мушкул иш.

Мен сезиб турибман, юрагимда ўт-олов бор. Фақат шу ўт-олов бевақт ўчиб қолмаслиги учун, қачонлардир қоранги кечаларда кимларнингдир йўлини ёритиши ва келиб исиниши учун уни қандай асрай, янада аланга олдириш учун нима қилай? Хуллас, истеъдодимни асраш ва уни камолга етказишим учун нима қилишим керак?

ОТАМНИНГ ЭСДАЛИГИДАН. Бир тоғлиқ отамнинг олдига келиб сўради:

— Мен ёзиб кўрдим ва қаттиқ ишонч ҳосил қилдим: шеър тўқий оламан. Аммо зўр шеър ёзиш учун нима кераклигини билмаяпман.

Отам жавоб берди:

— Скрипкани созлаш билан иш битмайди, унда куй чала олиш керак. Даланинг борлиги яхши, унга яхшилаб ишлов бериш ва дон сепа билиш керак.

— Зўр шеър ёзишим учун нима қилишим керак?

— Нима қилишим керак? Ишла!

ИШ

Бизнинг ишни кимса деса: жонингга роҳат. Майли, келиб роҳатидан тотсин, марҳамат! Кубачинликлар ёдгорликларидаги ёзув.

Мен — шеърга бандаман. Худо берган кун, Ишлайман, тинмайман тонгдан шомгача. Хожамга бу ҳам кам, баъзан ярим тун Уйғотар, ишлатар яна тонггача. Арава тортаман, елкамга тиркиш Арава силкинса қаттиқроқ ботар. Хожам аравамга кўпроқ юк ортар, Нетай, тақдиримга ёзилган шу иш.

Бу воқеа неча йиллар илгари бўлганди. Лекин мен ўша кун тафсилотини, худди кеча бўлгандай ҳанузгача яхши эслайман. Мен бу воқеани битта достонимда ҳам эсга олгандим. Шу китобимда ҳам бу воқеани эслашни лозим топдим.

Мен шоир Ҳамзат Цадасанинг ўғли бўлсам ҳам у вақтларда ўзимни ҳеч ким танимасди. Овулдан олдин Маҳачқалъага, кейин Москвага кетдим. Йиллар ўтди. Адабиёт институтини тугатдим, ўнта китоб чиқардим. Битта китобим учун Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бир сўз билан айтганда шоир Расул Ҳамзатов бўлиб танилдим. Уйландим. Ўшанда яна қадрдон овулимни кўриб келишни ният қилдим.

Кун бўйи болалигимда шатолоқ отиб чопган кенгликларда, тенгдошлар билан қизгин суҳбат қурган, қояларга тикилиб турган жойларда, горларда, сувнинг шилдирашини тинглаган сой бўйларида кездим, мозорларда сукут сақлаб тин олдим, кейин оҳиста далаларда юрдим.

Америкада бўлганимда Форд заводида автомобилларни синовдан ўтказадиган тепаликни кўрдим. Менимча, ёзувчи учун мана шундай синов тепалиги ўзининг туғилган юрти ҳисобланади.


Аёллар бугдой ўримида қайтишаётган экан. Бугдой пояларини тутамлайвериш қўллари қаварган, ўроқни ҳар серпаганда эгилавериш чарчаган аёллар дам олиш учун шундоқ йўл ёқасига ўтиришди. Мен уларга яқинлашдим.

Улар бу мавзуда аввалдан баҳслашиб келишаётганмиди ёки мени кўришгандан кейин суҳбат бошланганми, билмадим, аёллардан бири пешонасидаги терни артиб деди:

— Агар мендан дунёда нимани хоҳлайсан, тила тилагингни дейишса, Расул Ҳамзатовнинг енгил турмуш тарзини ва унинг ташвиш билмайдиган юрагини сўраган бўлардим.

— Сен Расулнинг юраги ўрнида бир бўлак пишлок бор, ҳеч қачон оғринмаган деб ўйлайсанми, — дея менинг тарафимни олди қариндош аёл.

— Эҳтимол, унинг юраги бир бўлак пишлок эмасдир. Лекин унинг бугдой ўримида қатнашмаслиги бор гап. Уни ҳўжаликда уриладиган занг меҳнат қилишга чорламайди, тушлик вақти бўлганини билдирмайди. У иш куни нималигини, унга қанча ҳақ ёзилишини, пул қандай ишлаб топилишини билмайди. Хаёлига нима келса шеър қилиб тўқийди, кўнгли тусаса кўшиқ айтади. Нега у ташвиш чекиши керак? Нимадан ҳам юраги



безовта бўларди? Шунинг учун мен унинг тақдирига ҳавас қиламан.

О, илтифотли аёллар! Мен сизга ўз ишимнинг машаққатини ва тўхтовсизлигини қандай тушунтирсам экан?

Мен оғир ўйлар билан овул томон йўл олдим. Овулдаги тош супачаларда оқсоқоллар суҳбатлашиб ўтиришган экан. Улар экинзор, келгуси йил ҳосили, тоғлар, яйловлар, ўсимликларнинг касалликлари, овулнинг ўтмиши тўғрисида хотиржам суҳбат қуришарди. Мен улар ёнига келиб салом бердим ва бўш тош супага ўтирдим.

Битта оқсоқол кўйнидан янги газетани олиб варақлади, унда менинг шеърларим ҳам чиққанди. Суҳбат мавзуси шеърга кўчди. Чавандозга отига айтилган мақтовлар ёқади. Мен ҳам овулдошларим шеърларимни мақташларини умид билан кута бошладим. Ахир, Москвада, Маҳачқалъада мақтовлар айтилишига кўникиб бўлгандим. Лекин газетани ушлаб турган оқсоқол деди:

— Сенинг отанг Ҳамзат ҳам шеър ёзарди. Энди сен Ҳамзатнинг ўғли ҳам шеър ёзаяпсан. Қачон ишламоқчисан? Ёки умринг бўйи нон топиш қанақа қийин эканлигини билмасдан ўтиб кетмоқчимисан.

Суҳбат авзойи бундай ўзгаришини кутмаганим учун руҳсиз аҳволда жавоб қайтардим:

— Шеър ёзиш — менинг ишим.

— Агар шеър ёзиш иш бўлса, унда бекорчилик нима? Агар кўшиқ айтиш меҳнат бўлса, унда дам олиш нима?

— Ким кўшиқ хиргойи қилаётган бўлса, бу унинг учун дам олиш. Лекин шу кўшиқни ёзган шоир учун бу иш бўлган. Бундаин иш ҳордиқсиз ва уйқусиз, дам олиш ва таътил кунлари нималигини билмай давом этади. Айтайлик, мен учун қоғоз сизнинг экинзорингизга ўхшайди. Ҳарфлар мисоли дон, шеърлар эса бўлиқ бошоқлар.

— Бу гапларингнинг ҳаммаси қуруқ сафсата. Ҳеч қачон экинзор мени кўриш учун уйимга келмайди. Мен ўзим ишлаш учун далага чиқишим керак. Кўшиқ эса, сени ўзи келиб йўқлайди, ҳатто иссиқ ўринда ётган бўлсанг ҳам. Ҳар бир кўшигинг — бу эшигингни тақиллатиб кириб келадиган меҳмон. Демак, ҳар бир кўшиқнинг ёзилиши — байрам. Бизнинг экинзоримиз эса, кундалик ҳаётинг юмуш.

— Аммо шеърят, кўшиқ — бу менинг ҳаётим.

— Демак, сенинг ҳаётинг ҳамиша байрам. Кўшиқ ёзиш — бу истеъдоднинг иши. Истеъдоди бор одам кўшиқни тез ёзиб ташлайди. Агар кимдаким истеъдоддан бебаҳра қолган бўлса, кўшиқ ёзиш учун ишлашига тўғри келади. Лекин бу масалада ишлаш жуда катта аҳамиятга эга эмас.

— Сиз бу борада ноҳақсиз. Негаки, кимки истеъдодсизроқ бўлса, санъатни энгил иш деб ўйлайди. Кўшиқ кетидан кўшиқ ёзаверади. Бошқача айтганда, кўпроқ пул топиш учун энгил-елпи иш қилади. Ҳақиқий истеъдод эса, зиммасидаги

масъулиятни ҳеч қачон унутмайди, ҳар бир шеър ижод маҳсули бўлгани учун унга энг муқаддас, энг муҳим ишдай қарайди. Бу сизга тайёр кўшиқни куйлаш ёки ҳикояни ўқиб мазмунини сўзлаб бериш эмас.

— Унда сен бизга қандай ишлашингни, ҳунарингнинг машаққатли жиҳатлари тўғрисида сўзлаб бер.

Даврада асосан кекса деҳқонлар ўтиришганди. Мен юксак шеърят ҳақида сўз очдим ва тез орада англадимки, ўзим учун жуда оддий туюлган гапларни уларга тушунтиришим қийин. Охир-оқибат, сўзимни йўқотдим, бундан ўзим хижолат бўлдим, фикримни охирига етказмай гапимни тугатдим ва хаёлга толдим. Ўша кунги суҳбатда овул оқсоқолларининг қўли баланд келди. Мен уларга нима учун шеър ёзиш қийинлигини, умуман, шеър ёзиш қанақа иш эканлигини тушунтириб бера олмадим.

Ўша суҳбатга ҳам кўп йиллар бўлди. Лекин кимдир мендан ўша саволга жавоб сўраса, ҳозир ҳам унга ишим нимадан иборат эканлигини, бошқа ишлардан нимаси билан фарқ қилишини ва нима учун шеър ёзиш қийинлигини тушунтириб бера олмасам керак.

Менинг иш жойим ўзи қаерда? Албатта, стол атрофида, тўғрироғи, ёзув столим атрофида. Лекин мен тоғ сўқмоғида сайр этаётганимда ҳам шеър устида ишлайман, сатрларимга мақбул сўзлар, оҳанглар излайман, айримларидан воз кечаман. Балки поездда кетаётганимдадир, чунки ўзга мамлакатларга сафарга йўл олганимда Ватан ҳақидаги шеърларимнинг гоёлари кела бошлайди. Самолётда ҳам, трамвайда ҳам, шаҳарнинг марказий хиёбонида ҳам, ўрмонда сайр этганимда ҳам, соҳил бўйида ҳам, вазир қабулида ҳам, хуллас, ер юзининг қаерида бўлмай шеър ҳақида ўйлайман. Демак, деҳқончасига айтсам қаерда бўлсам ўша жой менинг экинзорим — менинг иш жойим ҳисобланади.

Мен қачон ишлайман? Эрталабми, ёки кечқурун? Менинг иш вақтим қанча давом этади? Саккиз соатми, ёки олти соат? Эҳтимол, ўникки соатдир, ёки ундан ҳам кўпдир? Агар иш соатим шунча кўп экан, нега мен иш ташлаш эълон қилмаяпман: Нега саккиз соатлик иш кўни учун курашмаяпман?

Ҳамма гап шундаки, мен эсимни таниган кундан ҳар доим ишлайман. Овқатланган вақтимда ҳам, театрда ҳам, мажлисда ҳам, овда ҳам, тўйда ҳам, мотамда ҳам, транспортда кетаётганимда ҳам, байрамда ҳам... Ҳатто ишим тушимда ҳам давом этади. Бундай ўйлаб кўрсам, ўзи аллақачон иш ташлаш эълон қилишим керак экан?

Қандай ишлайман? Бу саволга жавоб бериш ҳаммасидан қийин. Баъзан менинг ишим ҳам бошқа ишларга ўхшайди деб ўйлайман. Баъзан эса ишим фақат ўзимга хослигини сезаман, уни ер

юзид яшаётган одамларнинг бошқа бирон ишига ўхшатиб бўлмаслигини тушунаман.

Баъзан менга шундай туюлади, атрофимдаги ҳамма одамлар ишляпти, мен бекор юрганга ўхшайман. Баъзан эса, фақат мен ишляпман, атрофимдаги бошқа одамлар бекор юргандай туюлади.

Кушларга нима? Ҳаёти давомида битта кўшиқни куйлайди, уни ҳам катта кушлардан ўрганган. Жилгага нима? Минг йиллардан буён бир хил овоз чиқариб жилдирайди. Мен эса ўзимнинг қисқа умримда яна узоқ йиллар янграб турадиган кўшиқлар яратишга интилишим керак.

Шубҳасиз, биринчи бор далани шудгор қилган одамга осон бўлмаган. Шубҳасиз, биринчи бор кўшиқ яратганга ҳам осон бўлмаган.

Агар далани мингта одам шудгор қилган бўлса, минг биринчи одамнинг шу далани шудгор қилиши осонроқ кечади. Агар мингта одам шеър ёзган бўлса, минг биринчи одамга шеър ёзиш қийин кечади.

Ҳа, бободехқоним, менинг ишим қайсидир жиҳатлари билан сенинг ишинга ҳам ўхшайди. Шунинг учун сен менга ҳар куни дам оладиган, ҳар куни байрам қиладиган бекорчиларга қарагандай қарама. Мен ҳам уйқусиз узун кечаларда сен ўз далангни ўйлагандай ўз экин майдонимни ўйлаб чиқаман. Сен экиш учун энг сара уруғларни танлайсан. Мен ҳам шеърим учун дунёдаги барча сўзлар орасидан энг маъқулларини излайман. Бундай сўзлар мингтадан битта бўлади. Мен ҳам ишга киришадиган, сўзлар майсадай унадиган ва мўл-кўл ҳосилни кўтарадиган дақиқаларни орзиқиб кутаман. Менда ҳам ишлов бериш ва чопиққа тушадиган вақт бор, чунки сенинг даланга ўхшаш менинг экин майдонимда ҳам ёввойи ўтлар ўсади. Ахир, энг замонавий машиналарда ҳам донни ёввойи сулидан тозалаш қийин. Керакли сўзлар орасидан ёввойисини ажратиш ва уларни олиб ташлаш эса бундан ҳам қийинроқ.

Сен экинзорим совуқдан, дўлдан, қурғоқчиликдан зарар кўрмасин деб қуюнасан. Мен шундай кўшиқлар яратиш истайманки, улар энг хавфли душман — вақтни писанд қилмасин. Истайманки, улар яна юз йиллар янграсин.

Менинг ижод маҳсулимга ҳам бит, чигиртка, кемирувчиларга ўхшаш зарарқунандалар хавф солади. Улар ижод маҳсулимни ғажиши, бутунлай йўққа чиқариши ёки одамлар кўрганда юз ўгирадиган даражага солиши мумкин. Бу кемирувчилар сенинг экиннингга хавф солувчи сичқон ва юмронқозиқлардан жуда катта, уларга қарши курашиш ҳам қийин, аҳтимол, уларга қарши курашишнинг ўзи бефойда.

Печкада ўт ёнар, ўтирмай ёвуқ,
 Жунжийман, тирқишдан уради шамол.
 Игнадай тешиқдан туядай совуқ
 Киради деб, бежиз айтишмас мақол.

Кўшигимда қолса бирон-бир бўшлиқ,
 Тинчим йўқолади этгунча барҳам.
 Чунки одам каби жунжикар кўшиқ,
 Сўзлар аро ўтса қилдай шамол ҳам.

Мен ижод маҳсулимни одамларга тақдим этман. Доғистоним ва бошқа эллардаги одамлар унинг мазаси ёки талхини, умуман, ўзига хос таъминни билишлари керак. Ишқилиб, унинг таъми бошқа ижод маҳсулларининг таъмига ўхшаб қолган бўлмасин.

Асрор МЎМИН
 таржимаси.

(Давоми кейинги сонларда)



Зоҳид Ўринбоев ҳозир 74 ёшда. Отахон 1957 йилдан қурувчи бўлиб ишлаб келган. Айни чоғда у Бўка туманига қарашли Акмал Икромов кўчасидаги 28-хонадонда истиқомат қилади. Зоҳид ота “Янги ҳаёт” маҳалласининг энг обрўли инсонларидан бири. Унинг 8 нафар фарзанди бор. 4 ўғил ва 4 қизнинг бари ўқимишли. Бугун улар ҳам халқ хизматига камарбасталар. Отахон 31 нафар набиралари қуршовида қарилик гаштини сурмоқда. Шунингдек, турмуш ўртоғи Ойниса Ўринбоева ҳам пири бадавлат отахонга ҳар доим ҳамдаму ҳамқадамдир.

Суратда: Зоҳид Ўринбоев набиралари даврасида.
 Ҳусанбой АББАЛОВ олган сурат



ТИЛШУНОС АЛЛОМА

Ўзбек тилшунослигининг, айниқса, ўзбек алифбоси ва орфографиясининг тараққиётига самарали ҳисса қўшган забардаст ва заҳматқаш олимларимиздан бири Фахри Камолов ҳаёт бўлганларида 100 ёшга етган бўлар эдилар. Бевақт ўлим Фахри Камоловни олтимиш ёшларида олиб кетди.

Ўн йилдан зиёд болалар уйида тарбияланган Фахри Камолов ўрта маълумотни олгач, 1928 йилда Тошкентдаги ўзбек эрлар маориф институтини, 1934 йилда Маданий қурилиш институти аспирантурасининг тайёрлов курсини, 1937 йилда эса А.С.Пушкин номидаги (ҳозирги Алишер Навоий номидаги) Тил ва адабиёт институти аспирантурасини тугатди. 1942 йилгача турли институтларда ўзбек тилидан дарс бериб келди, 1942-46 йиллар давомида эса армия сафида зобит-журналист сифатида хизмат қилди, ўша собиқ иттифоқ давридаги “Совет жангчиси” фронт газетасининг муҳаррири лавозимида фаолият кўрсатди.

Шундан сўнг 1946-52 йиллар Тил ва адабиёт институтида илмий ишлар бўйича директор муовини, катта илмий ходим, кейинроқ, то умрининг охиригача ҳозирги ўзбек тили секторининг мудири лавозимида ишлаб келди, аynи пайтда қатор институтларда (Юридик институти, Тошкент Давлат Чет тиллари педагогика институти, Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика инсти-

тутида ва бошқа институтларда) дарс ҳам берди.

Фронтдан қайтгач, 1946 йилда Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетининг илмий кенгашида “Ўзбек орфографиясининг асослари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий фаолияти 1928-29 йиллардаёқ бошланган эди. У 30-йиллардан эътиборан бошланғич ва ўрта мактаблар учун ўзбек (она) тилидан қатор дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, дастурлар ва кўргазмалар яратди. 1940 йилда эса рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбосига матн намуналарини тузиб, орфография қоидаларини ишлаб чиқди. Шу даврдан бошлаб, умрининг охиригача ўзбек орфографиясини такомиллаштиришда етакчи мутахассис бўлиб қолди. Олимнинг бевосита раҳбарлиги ва фаол иштирокида ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди, ўзбек тилининг қисқача имло лугати тузилди.

Ўзбек тилининг грамматик структураси, лексик-семантик тизими, фонетика ва талаффуз нормалари, ўзбек миллий тилининг шаклланиш тарихи каби соҳалар билимдони Ф.К.Камолов ўз ҳаёти давомида 150 дан ортиқ дарсликлар, ўқув қўлланмалар, дастурлар, рисоалар ва мақолалар ёзган, шунингдек, янги ўзбек графикаси ва орфографиясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. 1957 йилдаги “Ҳозирги замон ўзбек тили” академнашрининг тайёрланишида ҳам раҳбар, ҳам муаллиф, ҳам масъул муҳаррир бўлиб самарали фаолият кўрсатган забардаст олим эди. Асарнинг “Кириш”, “Лексикалогия”, “Орфоэпия”, “Графика ва орфография”, “Лексико графия” бўлим-

лари унинг қаламига мансубдир. Шунингдек, 1966 йилдаги икки жилдлик “Ҳозирги ўзбек адабий тили”нинг биринчи жилдидаги “Фонетика”, “Орфоэпия”, “Лексикология ва семасиология” бўлимлари ҳам серқирра олим Фахри Камолов томонидан ёзилган эди.

Олимнинг илм соҳасидаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

Моҳир педагог ва зукко олим Фахри Камолович Камоловни нафақат собиқ иттифоқдагилар, ҳатто чет эллардаги тилшунослар ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга олганларининг бир неча бор гувоҳи бўлганмиз.

Фахри Камоловнинг кенжа фарзандлари Дилдора Фахриевна ота изидан бориб, қарийб қирқ йилдан зиёд Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети “Ўзбек ва рус тиллари” кафедрасида ишлаб, талаба-ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. У АҚШ, Германия, Таиланд ва бошқа хорижий давлатларда бўлиб, тўплаган тажрибалари билан ўз касбдошларига самимий кўмаклашиб келмоқда.

Тилшунос олим Фахри Камоловнинг тадқиқотлари ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик, фонетик ва орфоэпик нормаларини белгилашда ҳамда ўзбек нутқ маданиятининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этишда ҳозир ҳам долзарбдир. Табаррук устознинг ўзбек тилшунослиги тараққиётидаги илмий фаолияти ҳозирги кунларда ҳам ҳар бир ўзбек тилшуноси учун дастуриль амалдир.

**Суннатулла РИЗАЕВ,
ТДИУ профессори**

Ўзбекистон қадим-қадимлардан маданият бешиги бўлиб келган ва унинг халқи бой маданий меросга эга. Бу хусусият унинг заминиди фаннинг турли тармоқлари бўйича машҳур алломаларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди ва улар жаҳон маданиятининг тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ислом ҳуқуқи нормаларида ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” эканлиги эътироф этилган. Унга мувофиқ, илм олиш мусулмон эркак ва аёллари учун баробар бурч ҳисобланган, илм аҳли эъзозланган, ўқув юртлари илмга чанқоқ барча илм толиблари учун очиб қўйилган, илмнинг афзалликлари, фикҳ (ҳуқуқшунослик) илмининг афзаллиги тарғиб этилган.

Қуръони Карим, ҳадиси-шарифлардаги оят ва ривоятлар илм олиш ҳуқуқи нормалари учун асос яратган. Жумладан, Қуръони Каримда “У (Оллоҳ) Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билимлар) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақки, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар”, “Оллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуг қилғайдир, охиратда жаннатга кирмоқни насиб этгусидир”. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг саҳиҳ (ишончли) ҳадисларида олимлар пайгамбарларнинг меросхўрлари бўлиб, илмни пайгамбарлардан ўрганишлари; кимки илм истаса, икки дунё бахт-саодатига етиши; Оллоҳнинг бандаларига “ҳалим ва фақиҳ бўлингиз!” деб амр этгани, бунда одамларни катта илмлардан аввал кичик илмлар билан тар-

биялаш зарурлиги; раҳбар бўлиш учун аввал чуқур билимга эга бўлиш лозимлиги, илм ўрганишдан ҳеч қачон тўхтамаслик; ўзи ўрганган билимларини бошқаларга ҳам ўргатиш мажбурияти; илмга эътиборсизликнинг қиёмат аломати эканлиги; аёлларнинг илм олиши ҳам бурч эканлиги каби ҳуқуқий нормалар илгари сурилган. Шунингдек, ҳадисларда илмнинг мол-мулкдан афзаллиги, ҳалифа Али ўнта хорижликнинг “Илм афзалми, мол-мулк афзалми?” — деган саволига илмнинг афзаллигини исботловчи ўн хил илмий далил келтириб жавоб қайтарганлиги тўғрисидаги каби ҳадиси-шарифлар ҳам илм толиблари ўртасида илмга рағбат-

нинг кучайишини таъминлаган.

Бироқ ҳар қандай ҳуқуқ амалда қўлланилиши учун у албатта, иқтисодий жиҳатдан кафолатланган бўлиши шарт. Мулкчиликнинг махсус маданий-маърифий ва хайрия мақсадларига мўлжалланган шакли вақф мулкчилиги бўлиб, у ўқув юртлари ва уларнинг педагог ҳамда талабаларини иқтисодий жиҳатдан таъминлаб, уларнинг реал илм олишларини муҳофазалаган. Вақф арабча “тўхтамоқ”, “тутиб турмоқ”, “қўзғалмас” каби маъноларни англатиб, бепул бериладиган “ҳадя”, “садақа” сингари инъомлардан фарқланади. Ислом ҳуқуқига оид юридик адабиётларда вақф “маълум бир нарса (мулк)ни

ИЛМ ИЗЛАТАН САОДАТГА ЕТИШ



қандайдир (диний хайр-эҳсон ёки маданий-маърифий) мақсадларга бағишлаш”, — деб белгиланади. Демак, вақфлар мазмунан диний ёки маданий-маърифий, шаклан мулккий актдир. Шариатга кўра вақф мулки ҳеч кимга тегишли бўлмай, ундан келган фойда фақат белгиланган мақсадгагина ишлатилиши шарт. Вақф даромадлари ҳисобидан вақф объекти таъмирланиши лозим. Илм даргоҳларининг ана шундай махсус мулкчилик шакли томонидан моддий таъминланганлиги илм олиш ҳуқуқига оид нормаларнинг амалда рўёбга чиқарилиши учун ҳуқуқий кафолат бўлган.

Илм-маърифатнинг қадрига етган, уни жамият тараққиётининг асосий омили эканлигини англаган ўзбек халқи ажодлари илм олиш ва вақф мулкчилиги тўғрисидаги қонунлар амалда қўлланилишига катта эътибор берганлар. Мовароуннаҳр ҳудудида, айниқса, ривожланган ўрта асрлар ва Амир Темури ҳамда темурийлар даврида Ислоннинг илм олиш ҳуқуқи ҳақидаги қоидаларига амал қилишни шахсан ҳукмдорларнинг ўзлари ҳомийлигига олганликлари, олимлар ва илм толиблари учун барча имкониятлар яратилганлиги,

илм-маърифат ўчоқлари қуриш, уларнинг моддий таъминоти учун жуда катта хайрия маблағлари ажратилганлиги Ислоннинг бу ҳуқуқ соҳасидаги нормалари амалиётда қўлланилишига имкониятлар яратган. Хусусан, Амир Тоҳир ибн Талха ўз ўғли Абдуллоҳ ибн Тоҳирга: “Илм-фан эшикларини хосларга ҳам, омиларга ҳам бирдек очиб қўйиш лозим, илм-фаннинг ўзи жоҳиллар қўлида қолмағай”, — деб айтган. Амир Темури ва темурийлар Бухорода қурдирган мадраса эшигига: “Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир”, — деган ҳадиси-шарифни Мирзо Улуғбек ёздирган. Шунингдек, Шоҳруҳ Мирзо, Иброҳим Султон ва Бойсунқур Мирзолар шахсий маблағларига бир қатор мадрасалар қурдириб, атрофдагиларни ҳам шундай қилишга даъват этган. Маърифатпарвар вазирлар Низомулмулк ҳамда Алишер Навоий каби илм-фан ҳомийлари замонасида фуқароларнинг илм олиш ҳуқуқлари реал таъминланган.

Маданий-маърифий мақсадларга мўлжалланган вақф мулкларининг ортиб бориши сўнгги ўрта асрларда ҳам давом этган.

Ўша даврда вақф таъсис этувчи ва бу мулкларни бошқарувчи мутаваллилар орасида аёллар тез-тез учраб турган. Улар қаторида Меҳр Султон Хоним, Қозоқ хоним ёки Қутлуғ Султон хоним, Ҳадичабиби каби йирик мулкдор аёллар бўлган.

Вақф мулкларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бу мулк миқдори ҳеч қачон камаймаган, балки фақат ошиб борган. Вақф мулклари ўзининг маданий-маърифий аҳамиятини ҳаттоки, собиқ Совет тузумининг дастлабки ўн йиллигида ҳам сақлаб қолган. Фақат 20-йилларнинг охирида бу хайрия мулклари болшевиклар ҳукумати томонидан зўравонлик билан тугатилган.

Юқорида ўзбек халқининг ажодлари ўтмишидан келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, илм олиш ҳуқуқи ва маданий-маърифий мақсадларга мўлжалланган вақф мулкчилиги нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ажодларимизнинг илм олишларини кафолатлаган. Бу ҳуқуқий ва тарихий далиллар ҳозирги мустақил Ўзбекистон қонунчилигида ҳам фуқароларнинг илм олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида маданий-маърифий мақсадларга мўлжалланган махсус хайрия мулклари таъсис этиб, уларнинг жамғармалари ҳисобидан хусусий ўқув юртлари очишнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш жамият тараққиёти йўлида хизмат қилади, деган хулосага олиб келди. Бу соҳада эса ажодларимизнинг ҳуқуқий қадриятлари илм олиш ҳуқуқини кафолатлашда ўрнатқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Гулҳумор СОЛИЖОНОВА,
Қувасой шахри
Саноат касб-ҳунар
коллежининг
ўқитувчиси, ҳуқуқшунос



Бирга Бўлгим келади

Райҳон гулнинг
хушбўй ислари,
Шўх бодомнинг
оқ-кўк гуллари,
Ариқдаги сув жилолари,
Сизлар билан
қолгим келади.

Баҳоримнинг
илиқ кунлари,
Хўб сокинки
ажиб тунлари,
Ой момонинг
сочган нурлари,
Сизлар билан
қолгим келади.

Баҳор кулган
бойчечак гули,
Қуёш бобом
таратган нури,
Яшил либос
кийган боғлари,
Сизлар билан
қолгим келади.

Саъва қушнинг
ажиб хониши,
Янграётган она алласи,
Ёшлигимнинг
гўзал палласи
Сизлар билан
бўлгим келади,
Сизлар билан
қолгим келади.

Меники

Кўнглимдаги ёрим эмас,
Ёнимдаги ёр меники.

Интизор кутганим
эмас,
Ўзга кутгани меники.

Ноҳақликка юз ўгирган,
Ўша шувут юз меники.
Севгисидан
кечиб кетган,
Ўша юрак ҳам сеники.

Самоларни тутган ўша,
Ёлгон ваъда сўз меники.
Кимларнидир
қон йиғлатиб,
Айтилган ёр-ёр меники.

Зорлантириб
ташлаб кетган,
Субутсиз
виждон меники.
Керагича меҳр кўриб,
Бўлди деган
нафс меники.

Биладурман
ўтиб йиллар,
Тутар увол севгиники.
Ўша кезлар
келганда ҳам.
Қийналгувчи
жон меники.

Сокин тун

Қишлоғимга чўкди
сокин тун,
Бир тилим ой
нурин сочади.
Тун ярмида,
бемаҳал вақтда —
Деразамни
кимдир чертарди.

Ташқарига
чиқиб ногаҳон,

Гувоҳ бўлдим
ғалати ишга.
Ичкарида нур
сочган чироқ,
Капалакни чорлар ўзига.

Ёғду томон
етмоқ орзуси,
Лек, тилакка
етишиш қийин.
Қайта-қайта келиб,
уради.
Деразага капалак ўзин.

Чироқ ўчиб
билди капалак
Интилгани бир
сароб экан.
Капалакка
ачиндим чиндан,
Ёлгон тақдир
қисмати экан.

Вақти келиб
капалак кунни,
Тушмасмикин
инсон бошига.
Кўзингизни
очинг одамлар,
Алмаштиринг
ёлгонни ростга.

Аслиддин ТОШТАНОВ



ПИЁЗ

Пиёз инсон танасига тез таъсир қиладиган хусусиятга эгадир.

Айтишларича, тутқаноқ ва қуёнчиқ дарди тутганда ёки тасодифан хушдан кетган беморларни пиёз ҳидлатиб хушига келтирганлар. Пиёз ҳар қандай оғир таомни тез ҳазм қилдиради ва ошқозон фаолиятини яхшилайди.

Пиёз инсон танасида бўлган ҳар хил иллат, нохуш ҳидларни йўқотади. Инсон танасидаги, жигар, буйрак ва бошқа аъзолардаги қонни тозалаб, унинг равон ҳаракат қилишини таъминлайди, кишини руҳан тетик қилади.

Пиёз инсоннинг ҳар қандай муҳитга мослашишига ёрдам беради. Ота-боболаримиз айтишларича, бошқа юртга борганда қаттиққа пиёз тўғраб ичганлар ва бу амалиёт туфайли ўша ернинг иқлимига мослашганлар.

Пиёз қон босими ва қанд дардига қарши курашда ҳам яхши наф берадиган сабзавотлардан ҳисобланади. Қон босими дардига учраган беморлар қаттиқ ҳаяжонланиш ёки бошқа салбий таъсир орқали қанд дардига ҳам учраб қоладилар. Бундай дардга учраган беморлар бир килограмм пиёз ва бир килограмм лимонни (пўчоғи билан) майдалаб, уни яхши

аралаштириб, шиша банкага солиб, юзини яхшилаб беркитиб, қоронғи жойда ўртача иссиқликда 8-9 кун сақлаб, сўнг очиб, сувини сиқиб, доқадан ўтказиб, ҳар куни овқатдан 40-50 дақиқа олдин бир қошиқдан 3 маҳал истеъмол қилсалар қон босими, қанд касаллиги дардини енгиллаштиради. Агар бунинг олдини олмасалар, дард зўрайиб, кўзнинг кўриш қобилиятини ҳам йўқотиш мумкин.

Серпиёз бўлган овқат мазали ва хушхўр бўлади. Фарғона водийсида яшовчи аҳоли пиёз шўрвани кўп истеъмол қиладилар, улар бир кило гўштга 4-5 кило пиёзни тўғраб, қшўрва қайнатадилар. Бу эса шўрвани истеъмол қилувчини қаттиқ терлатиб, танадаги ҳар хил иллатларни йўқотади, инсонни бардам ва руҳини мустаҳкам, тетик қилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси пиёзни нон билан истеъмол қиладилар. Бу билан ўзларини ҳар хил хасталиклардан сақлайдилар. Пиёз кўз нуруни яхшилайди. Кўз хиралашиб қолса, пиёзнинг сувини бурунга бир-икки томчидан томизиб турилса, яхши натижа беради.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли ўсма касалликлар ва рентгенология институти илмий ходимлари текширувлари пиёзни кам истеъмол қиладиган кишиларда ўсма касаллиги кўп учрашини кўрсатди.

Пиёз кўклигидан бошлаб севиб истеъмол қилинади.

Пиёз шифобахш хусусиятини барги ва уруғида ҳам сақлайди. Пиёзнинг уруғи тиш оғриғига яхши даво бўлади. Ота-боболаримиз пиёз уруғининг тутунига оғизни тутиб, “тиш қурти”ни ва милк шишини даволаганлар, милкларини мустаҳкамлаганлар.



Олма

Олма иккинчи даражали совуқ ва қуруқ ноз-неъмат ҳисобланади. У қалбни қувватли, хурсанд қилишда катта фазилатга эга. Унинг хушбўйлиги ва ширинлиги шифобахшлик хусусиятига ёрдам беради. Олма таркибида темир моддаси ва бошқа ҳар хил зарурий модда ҳамда витаминлар бўлиши билан бир вақтда у яхшигина озиклик хислатига ҳам эга. Бундан ташқари, руҳни озиклантириш ва мўътадил қилиш мақсадида олма истеъмол қилинса ҳам, фойдали бўлади.

НИГИНАБОНУ

